



Республика кунни билан!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 25 октябрь, шанба, №115 (3616).




КУН РАҚАМИ

Парламент Мажлиси 2026-2028 йилларга мўлжалланган бюджетни маъқуллади. ушбу ҳужжатга мувофиқ, Қозоғистон Ҳукумати келгуси уч йилда ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш учун 6,8 триллион тенге йўналтиради.

>>> Президент

Президент Япония Бош вазирига табрик йўллади



Kazinform. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Япония Бош вазир лавозимига сайланган Саназ Такаичини табриклади. Давлат раҳбари унга юксак масъулиятли фаолиятида муваффақият, Япония халқининг фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларига омад тилади.

Президент табригида икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Президент Янги Қозоғистоннинг очиқ ва фаол ташқи сиёсатини амалга ошириш жараёнида Япония билан ҳамкорликни янги босқичга

олиб чиқишга тайёр эканлигини маълум қилди. Шу муносабат билан давлат раҳбарлари халқаро майдонда тинчлик, барқарор тараққиёт ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш йўлида саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлигини қайд этдилар.

АДОЛАТЛИ ИШ ҲАҚИНИНГ КАФОЛАТИ

ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

Kazinform. Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев 20 октябрь кунни мамлакатимизда меҳнат муносабатларини халқаро андазаларга мувофиқ, ривожлантириш мақсадида муҳим ҳужжатни имзолади. Давлат раҳбари 1970 йил 22 июнь кунни Женева шаҳрида қабул қилинган «Энг кам иш ҳақини белгилаш тўғрисидаги Конвенция (№131)»ни ратификация қилиш ҳақидаги Қонунни тасдиқлади.

Мазкур Конвенция айниқса ривожланётган мамлакатларда ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга қаратилган. Ҳужжатга кўра, ҳар бир мамлакатда энг кам иш ҳақи миқдорини белгилаш ҳамда уни ҳаётини эҳтиёжлар ва иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб доимий равишда қайта кўриб бориш тизими йўлга қўйилиши лозим.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, мазкур халқаро ҳужжатнинг ратификация қилиниши орқали Қозоғистонда меҳнат сиёсатида

адолат ва барқарорликни таъминлаш, кам даромадли аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш йўли кенгайди. Шунингдек, бу ташаббус мамлакатнинг Халқаро меҳнат ташкилоти олдидаги мажбуриятларига ҳам мос келади.

– Конвенциянинг қабул қилиниши – инсон меҳнати қадрини янада юксалтириш, ижтимоий тенгликни таъминлаш сари ташланган муҳим қадамдир, – дейилади Президент Маъмурияти баёнотида.

Мутахассислар таъкидлашчи, ҳужжат меҳнат бозоридаги тизимли ислохотларни чуқурлаштириш, иш берувчи ва ишчи ўртасидаги муносабатларни шаффофлаштириш ҳамда иқтисодий фаол аҳоли учун кафолатланган даромад манбаларини яратишга хизмат қилади.

Яъни, Конвенция қуйидагиларни белгилайди:

- давлат аҳолининг меҳнати учун адолатли тўловни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади;
- энг кам иш ҳақи ҳаётини эҳтиёжлар ва иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб белгиланади;
- қарорлар ҳукумат, иш берувчилар ва



касаба уюшмалари иштирокидаги уч томонлама келишув асосида қабул қилинади.

АМАЛДА БУ ХАЛҚҚА НИМА БЕРАДИ?

1. Ишчиларнинг ҳуқуқи мустаҳкамланади – давлат меҳнат ҳақи жамиятда муносиб турмуш кечиришга етарли бўлишини таъминлайди.
 2. Энг кам иш ҳақини ҳисоблаш тизими шаффофлашади – иқтисодий ўсиш, инфляция ва ҳаётини нарх-наво каби омиллар ҳисобга олинади.
 3. Ижтимоий адолат кучаяди – кам даромадли қатламларни қўллаб-қувватлаш орқали тенглик таъминланади.
 4. Халқаро ишонч ошади – Қозоғистон Халқаро меҳнат ташкилоти андазаларига мувофиқ фаолият юритувчи давлат сифатида тан олинади.
- Қисқаси, бу қонун – қозоғистонлик ишчиларнинг меҳнат ҳақи ва ижтимоий ҳимоясини оширишга хизмат қиладиган муҳим қадамдир.

ОЛТИН КУЗНИНГ ОЛТИН ЛАҲЗАЛАРИДА

ТУРКИСТОН ШАҲРИДА “ПАРАСАТ” БОҒИ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Kazinform. Туркистон шаҳрида тубдан янгиланган “Парасат” истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. Тантанали маросимда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров иштирок этиб, тадбир иштирокчиларини Республика кунни билан табриклади.

– Мамлакатимиздаги энг улуғ байрам – Республика кунни арафасида Туркистонда яна бир қувончли лаҳзага гувоҳ бўляпмиз. Президентимиз ташаббуси билан Туркистон шаҳрига махсус мақом берилди ва шаҳарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янгидан қурилган “Парасат” истироҳат боғи шу эътиборнинг ёрқин ифодасидир, – деди ҳоким ўз сўзида.

Мазкур боғни қайта қуриш ишлари 2023 йилда бошланиб, ушбу қутлуғ сана арафасида тўлиқ якунланди. 14 гектар майдонни қамраб олган ҳудудда аҳолининг хавфсиз ва қулай дам олиши учун барча



шароит муҳайё. Бу ерда 2 мингдан зиёд дархат экилиб, замонавий ёритиш тизими ўрнатилди, 100дан зиёд ўриндиқлар, болалар учун ўйин майдончалари, футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, велосипед йўлаклари ва пиёдалар

йўллари барпо этилди. Шунингдек, ёзги саҳна ва дам олиш ҳудудлари ҳам ташкил этилган.

Боғда ўтказилган очилиш маросими концерти билан якунланиб, туркистонликларга байрамона кайфият улашди.



НЬЮ-ЙОРК ОСМОНИДА ҚОЗОҒИСТОН БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАДИ

Kazinform. Нью-Йорк шаҳрининг молиявий маркази Манхэттенда Республика кунига бағишлаб Қозоғистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш маросими ўтди. Бу ҳақда Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлиги маълум қилди.

Тантанали тадбирда Нью-Йорк мэрияси ва дипломатик корпус вакиллари, БМТ қошидаги Қозоғистоннинг Доимий вакиллиги, Нью-Йоркдаги Бош консулхона ходимлари, шунингдек, қозоқ диаспораси аъзолари ва талабалар иштирок этди.

Бу йилги маросимнинг аҳамиятини янада оширган муҳим воқеа – Нью-Йорк мэрияси томонидан бу кун “Қозоғистон мероси кунини” деб эълон қилинди.

Мэр Эрик Адамс номидан имзоланган ушбу ҳужжат Қозоғистонга бўлган ҳурмат рамзи, шунингдек, қозоқ жамияти шаҳарнинг маданий ва ижтимоий ҳаётига қўшган ҳиссасини эътироф этиш сифатида қабул қилинди.

Бу воқеа Янги Қозоғистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганининг, миллий бирлик ва маданий меросга ҳурматнинг ёрқин ифодасидир.



Байрамингиз муборак бўлсин!

**Қадрли ҳамюртлар!
Ҳурматли туркистонликлар!
Сизларни Республика кунни шодиёнаси билан
чин юракдан табриклаймиз!**

Жорий йилда Қозоғистоннинг Мустақиллик Декларацияси қабулланганига 35 йил тўлимоқда. Бу – халқимизнинг азалий орузи ушалган кун. 1990 йилнинг 25 октябрь кунни қабул қилинган Декларация – мамлакатимизнинг истиқлол сари ташлаган илк қадамидир. Бугунги кунда биз дунёга мустақил, тинч, яхлит ва тараққий этаётган давлат сифатида танилдик. Чегара – сарҳадларимиз аниқ белгиланди. Порлоқ келажак сари одим ташлаб бормоқдамиз.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев жорий йилги Қозоғистон халқига йўллаган Мактубида мамлакат тараққиётининг янги йўналишларини белгилаб берди. Рақамли тараққиёт, инновациялар, сармоя жалб этиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шуларга мувофиқ, Туркистон вилоятида ҳам аниқ тадбирлар йўлга қўйилмоқда. Стратегик ҳужжатда давлат бошқаруви, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини сунъий идорак орқали янгилашни топширди. Шунга мувофиқ, рақамли технологияларни агросаноат ва минтақа иқтисодиётига татбиқ этиш вазифаси ҳам юкланди. Биз ушбу йўналишларга жиддий эътибор қаратган ҳолда рақамлаштириш ва инновацияларни барча соҳаларга татбиқ этишда куч-гайратимизни аямаймиз.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик Декларацияси – мамлакатимиз учун тарихий ҳужжат. Истиқлол натижасида тилимиз, динимиз, анъаналаримиз қайта тикланди. Шунингдек, Туркистон вилояти ташкил этилиб, вилоят маркази – Туркистон шаҳрига алоҳида мақом берилди.

Бугунги кунда Туркистон нафақат кўҳна шаҳар, балки, стратегик аҳамиятга эга минтақага айланган. Олдимизда турган асосий вазифа – Туркистонни мамлакат иқтисодиётига суръат берадиган минтақа сифатида раванқ топтириш. Бунинг учун биз давлат манфаати йўлида ҳамкорликда меҳнат қилмоғимиз зарур.

Барчангизни Республика кунни билан яна бир бор қутлайман!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, жонажон Қозоғистонимиз гуллаб-яшнаверсин!

Нуралхан КЎШЕРОВ,
Туркистон вилояти ҳокими.
Нурали АБИШОВ,
Туркистон вилоят маслаҳати раиси.

СОҲАДА ШАФФОФЛИК МУҲИМ

Вилоят таълим соҳасида шаффофликни таъминлаш ва рақамлаштиришни такомиллаштириш йўналишида муҳим қадам ташлади. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўше-ров ташаббуси билан соҳада рақамли тенгсизлик ва тизимсизликни бартараф этиш асосий вазифа сифатида белгиланди. Мажлисида таълим соҳасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

– Таълим – давлатимизнинг келажаги ва тарақиёт асосидир. Ушбу соҳада шаффофлик, адолат ва инновация жамиятнинг асосий талаби ва устувор йўналишига айланди. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Мақтубида сунъий идрок ва рақамли ечимларни таълим соҳасига дадил жорий этишни топширган эди. Ушбу топшириқнинг ижросини

таъминлаш мақсадида ишлар жадаллаштирилади. Шаффоф-лик ва масъулиятлик асосий талабга айланиши керак, чунки ҳар бир ота-она фарзандининг хавфсизлиги ва сифатли билим олишини хоҳлайди. Шу боис, ушбу йўналишда нафақат бош-қарма, балки ҳар бир туман ва қишлоқ ҳокимлиги ҳам фаол иш юритишни керак, – деди вилоят ҳокими.



Мажлисида вилоят таълим бошқармаси раҳбарининг вазифасини бажарувчи Ғалимжан Ҳринов соҳани рақамлаштириш юзасидан маъруза қилиб, ягона рақамли тизимни шакллантириш зарурлигини таъкидлади. Маълумотларнинг номувофиқ-лиги, захиралардан фойдала-нишда муаммоларни юзага кел-тирмоқда. Шу боис, тизимлар ўртасида ягона алоқа ўрнатиш

лозим, сабаби, бу таълим бе-риш хизматларининг сифатини яхшилаш имконини беради. Таълим бошқармаси IT му-тахассислар сонини ошириш, биометрик мувофиқлаштириш тизимларини жорий этиш ҳам-да давлат харидини автомат-лаштиришни таклиф этмоқда.

Вилоят ҳокимининг
мақбулот хизмати.

МАКТУБ ҒОЯЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Туркистон шаҳри-да вилоят фахрийлар кенгашининг навбатда-ги Пленуми ўтди. Тад-бирда Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев-нинг жорий йилги Мак-тубида илгари сурил-ган ғоя ва вазифалар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш маса-лалари ҳамда галдаги режалар муҳокама қи-линди.

Пленум ишида вилоят бош-қармалари раҳбарлари, зиёли-лар, туман ва шаҳар “Оталар мактаби” раислари, “Бувилар ҳайъати” раисалари иштирок этишди.



Вилоят фахрийлар кенгаши раиси Женисбек Мауленқулов, вилоят маслаҳати раиси Нура-ли Абишов, вилоят прокурори-нинг биринчи ўринбосари Саян Келдибеков, пленум аъзоси

Абдулла Ахметов, вилоят жа-моат тарақиёти бошқармаси вазифасини бажарувчи Бўлат Жанабил маъруза қилишди, шунингдек, ёшлар тарбияси ва сармоя жалб этиш, партиялар

фаоллигини ошириш, Парла-мент сайловларига тайёргар-лик ҳамда “Қонун ва тартибот” тамойилларини мустаҳкамлаш масалалари атрофлича ёри-тилди.

Маърузаларда Президент Мақтубида белгиланган ус-тувор йўналишлар муҳокама қилиниб, унинг ижросини таъ-минлашга ҳар бир авлоднинг ҳисса қўшиши зарурлиги таъ-кидланди.

Йиғилиш якунида фахрийлар Президент Мақтубида белги-ланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан аниқ чо-ра-тадбирлар режасини қабул қилдилар.

Вилоят ҳокимининг
мақбулот хизмати.

Туркистон шаҳри-даги “Дўстлик уйи”-да Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги доираси-да “2025 йил – Ишчи касблари йили” муно-сабати билан ўтказилган “Чанғароқ” вилоят танло-вининг ғолиб ва соврин-дорлари тақдирланди.



Журналистлар ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари орасида ўтказилган танлов-нинг асосий ғояси – минтақада этнослараро дўстликни мус-таҳкамлашга ҳисса қўшиш, иж-тимоий тотувлик ва бирлиكنи мустаҳкамлаш, меҳнат одамла-рининг ҳаётини тарғиб қилиш-дан иборат эди.

Вилоят Ижтимоий тарақиёт бошқармаси “Жамоат тотув-лиги” ДKK ташкилотчилигида уюштирилган танловда мин-тақадаги ОАВ вакиллари ва ижтимоий тармоқ фойдаланув-чилари иштирок этиб, миллат-лараро тотувлик, дўстликни тараннум этувчи, меҳнат одам-ларини улуғловчи ижодларини тақдим этишди.



Танловнинг тақдирлаш ма-росимида “Жамоат тотувлиги” ДKK раҳбари Элмира Жанга-зиева барчани Республика куни билан қутлаб, фаол ижодкор-ларга миннатдорчилик билдир-ди.

Бирлиكنи тараннум этувчи танлов якунларига кўра, ҳа-камлар ҳайъати қарорига би-

“ЧАНҒАРОҚ” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

ноан, касбий медиатор Жулдиз Ҳтегенова 1-ўринга сазовор бўлиб, 150 минг тенге пул му-кофотига эга бўлди. 2-ўрин-ни ХҚТУнинг Журналистика факультети катта ўқитувчиси Атиркул Ташимова (100 минг тенге), 3-ўринни эса Қозоғис-тоннинг Фахрий журналисти Роза Наримбетова (50 минг тенге) эгалладди.

Танловда иштирок этган бошқа ОАВ вакиллари ва иж-тимоий тармоқ фойдаланувчи-лари ҳам Туркистон вилоят Иж-тимоий тарақиёт бошқармаси томонидан Фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари билан тақ-дирланишди.

Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.

ШАҲАР ҚИШГА ТАЙЁР БЎЛИШИ ШАРТ

Туркистон шаҳри ҳокими Азимбек Пазилбекули қишқи мавсумга тайёргарлик жараёни билан танишди. Шу муно-сабат билан у қатор ижтимоий иншоотларни оралаб, “Мар-казий қозонхона”, 1-ва 2-сонли қозонхоналарнинг фао-лиятини назорат қилди ва шаҳар болалар шифохонаси, А. Байтурсинов номидаги умумий ўрта мактабнинг иссиқ-лик тизими ҳолатини кўздан кечирди.

Туркистон шаҳри бўйича бу-гунги кунда 18та қозонхона фаолият юритмоқда. Улардан 12таси йил бўйи иссиқ сув би-лан таъминлайдиган марказ-лаштирилган тизимга уланган.

1-ва 2-кичик туман худуд-ларидаги 75та кўп қаватли уй марказлаштирилган иссиқлик тизимига уланган ва қишқи мав-сумга шай ҳолатга келтирилган. Бюджет ташкилотлари орасида жами 97та ижтимоий иншоот-нинг тайёргарлиги ҳам тасдиқ-ланган.

Туркистон шаҳри табиий газ билан тўлиқ таъминланган. Бу-гунги кунда 45614 фойдаланув-чи тизимга уланган бўлиб, улар орасида 77та мактаб, 141та болалар боғчаси бор. Йил бо-



Ҳоким барча қозонхоналар ва ижтимоий иншоотларнинг қишга тўлиқ тайёр бўлиши, захира қувват манбаларини назоратда ушлаш ва аҳолига иссиқлик энергиясини узлуксиз етказишни топширди.

– Қишқи мавсумга тайёр-гарлик фақат коммунал хўжа-ликнинг вазифаси эмас, балки шаҳар ҳаётининг барқарорлиги ва аҳоли хавфсизлиги учун масъулиятдир. Ҳар бир уй ис-сиқ, ҳар бир ташкилот хавфсиз бўлиши шарт, – деди Азимбек Пазилбекули.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан барча иншоотларнинг тайёргар-лиги доимий назоратга олинган. Тегишли бўлимлар ҳафталик ҳисобот тақдим этиб, аниқлан-ган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Туркистон шаҳри қиш мавсумига қишқи барқарор ва хавфсиз ўтказишга тайёр.

Туркистон шаҳар
ҳокимлигининг
мақбулот хизмати.

»» Қадринг баланд бўлсин, Қозоғистоним!

НИЯТИ УЛУҒ ХАЛҚНИНГ КЕЛАЖАГИ НУРАФШОН



«Ҳамма нарса чиройли, гўзал ва адолатли, яхши яратилган. Фақат уни кўра оладиганлар учун», деган-ларида буюк файласуф Мавлоно Румий бугунги кунимизни назарда туган-дай, гуё.

Республика куни бай-рамининг халқимиз учун тарихи ва моҳияти ўзгача.

1990 йил 25 октябрь куни қабул қилинган декла-рация Қозоғистоннинг мус-тақиллигини кўлга қиритиш йўлидаги дадил қадами ва тарихий ҳужжати бўлгани-ни яхши биламиз.

Декларацияда Қозоғистоннинг мустақил давлат сифати-даги сиёсий-ҳуқуқий асослари эълон қилинган. Ушбу ҳужжат билан давлатимиз ички аскарини, давлат хавфсизлиги ва ич-ки ишлар идораларини тузиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу эли учун жонини фидо қилган, халқига сидқидилдан хизмат қилган маърифат фидойилари ва жамоат арбоблари меҳнатининг самарасидир. Мустақиллик бебаҳо қадрият, улуг бойлик. Шу боис, унинг қадрига етишимиз муҳим.

Бу йил давлат суверенитети ҳақидаги Декларация қабул қилинганга 35 йил ўлади. Мазкур ҳужжат элнинг муқаддас мустақиллигига йўл очиб берган тарихий ва улугвор, залвор-ли қадам бўлган эди.

Сўнги уч йил мобайнида ушбу сана яна сиёсий ва миллий шодиёна мақомида тантана қилинмоқда.

– Республика куни халқ тафаккурига ижобий таъсир кўр-сатиб, маънавиятини юксалтирувчи, давлатчиликни мус-таҳкамлаб, қудратини ошириб, бирлик ва ҳамжihatликни улуғловчи сана, – дея таъкидлади ҚР Президенти. У Декла-рацияни «Жасорат ва дипломатия, ақл ва сабр музаффарияти» деб баҳолайди.

Ушбу куннинг миллий байрам сифатида белгиланиши фа-қатгина декларация қабул қилинган сана билан боғлиқ эмас. Бу, аввало, ҳужжатнинг мазмун-моҳияти билан узвий боғлиқ-лиги туфайлидир. Зеро, унда суверенитет эълон қилиниши ҳар бир фуқаро учун муносиб ва тенг турмуш шароитларини яратишга интилиш асосида белгилаб қўйилган.

Ҳужжатда алоҳида таъкидланишича, республика фуқаро-лари миллатидан қатъиназар, мамлакат халқини ташкил эта-ди. Ва айнан шу халқ давлат суверенитетининг ягона соҳиби, давлат ҳокимиятининг бош манбаи ҳисобланади.

Декларациянинг асосий қоидалари 1995 йилда қабул қи-линган ҚР Конституциясининг биринчи моддасида ўз ифо-дасини топган. Унда Қозоғистон ўзини демократия, ҳуқуқ устуворлиги, дунёвийлик ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланган давлат сифатида белгилайди. Бу давлатнинг энг олий қадриятлари инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари-дир.

Конституцияда қайд этилганидек, давлат барқарор та-рақиётининг асосий йўналишлари сифатида жамиятдаги тотувлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, қозоғистонча ватанпарварлик ва давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни демократия тамойилларига мувофиқ ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу эса умумхалқ референдуми ёки парламент орқали овоз бериш каби демократик усулларда намоён бўлади.

Суверенитет ҳақидаги Декларация айнан шундай мураккаб сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар даврида қабул қилинган эди. Ўша йилларда иқтисодиётдаги қийин-чиликлар, турли ижтимоий қатламлар ўртасидаги таранглик кучайган бир паллада жамиятда фаол баҳс ва муҳокамалар авж олди.

Меҳнат жамоаларига раҳбарларни эркин сайлаш ҳуқуқи берилди, турли сиёсий ва экологик ҳаракатлар, ижтимоий му-ҳит ушбу жараёнга жиддий таъсир кўрсатди.

Шундай бўлсада, Вазирлар Кенгаши ҳамда ўша пайтдаги Олий Кенгаш – Парламентда қизгин баҳс-мунозаралар, тор-тишувлар орқали ҳар бир модда, ҳар бир ибора қатъий асос билан ҳимоя қилинди.

Давлат суверенитети ҳақидаги Декларация Қозоғистон давлатчилиги тарақиётида янги босқични бошлаб берди. Бу тарихий ҳужжат келгусида касбий Парламент фаолиятининг ҳуқуқий пойдевори бўлди.

Декларация Қозоғистонга халқаро муносабатларда муста-қил субъект сифатида иштирок этиш, ташқи сиёсатни миллий манфаатлар асосида белгилаш ва ташқи иқтисодий фаолият-ни мустақил амалга ошириш имконини берди.

Мазкур тарихий ҳужжатда илк бор аниқ таъкидландики, Қозоқ ССР суверен давлатдир. У бошқа республикалар билан фақат ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли шартнома асосида бирла-шиш, шу билан бирга, бу тузилмадан эркин чиқиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилди.

Декларация кейинчалик мустақил Қозоғистон Республика-си давлатчилигининг ҳуқуқий ва сиёсий пойдеворига айлан-ди, дедик. У орқали давлатнинг барча суверен атрибутлари – миллий худуд, фуқаролик, ички бошқарув мустақиллиги, Конс-титудия ва қонун устуворлиги, давлат бюджети, герб, байроқ ва мадҳия каби белгилар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Қозоғистон халқи учун Декларация янги давр рамзига ай-ланди – егаменлик, озодлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш им-конияти буй кўтарди. Энцидлик Қозоғистон Республикаси ўз овозига эга давлат сифатида ўз йўли ва байроғи билан олам саҳнасига чиқа олиш имконияти бисёр элга айланди.

– Ватанни буюклиги, катталиги учун севишмайди, уни ўзининг Ватани бўлганлиги учун севишади, – деган эди буюк файласуф Луций Анней Сенека.

Ҳа, азизлар! Байрам муборака бўлсин! Феруза гумбазли тинч осмон остида чин ва адолатпарвар инсон сифатида эл тарақиётига ҳисса қўшаверайлик. Зеро, нияти улуг халқнинг келажаги нурафшон бўлади, сизу биз Янги ва Адолатли Қозо-ғистон бунёдкорларимиз.

Шоҳиста ТОЛИПОВА.
Х. Ҳайтенов номли мактаб.
Сайрам тумани.

(Давоми. Боши 113-сонда).

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ АСОСИ

ЎЗМБ вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилаётган кўплаб тадбирларнинг фаол иштирокчиси сифатида мамлакатда миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугун вилоят ҳудудида ярим миллионга яқин ўзбек миллати вакиллари истиқомат қилади. Асрлар оша қардош қозоқ ва ўзбек халқлари бир заминда тинч-тотув, иноқ ҳаёт кечириб келмоқда. Улар учун бу юртнинг бозори ҳам, мазори ҳам, Ватани ҳам ягонадир.

Марказ фаолиятининг дастлабки йиллари давлат ва жамоат арбоби, Сайрам ҳамда Саригоч туманлари ва Туркистон шахрининг фахрий фуқароси Маҳаммадрасул Исоқов номи билан чамбарчас боғлиқ. 1992-1999 йиллар давомида у марказни самарали бошқарди, ёшларга йўл кўрсатди, келажак авлодни масъулиятли ва билимли кадрлар сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратди.

1999 йили унинг тавсияси билан Икром Ҳошимжонов марказ раиси этиб сайланди. Маҳаммадрасул Исоқов эса марказнинг илк фахрий раиси сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

Икром Ҳошимжонов раҳбарлигида марказ ишлари янги босқичга кўтарилди. У раҳбар сифатида марказ қошидаги кенгаш ва уюшмалар фаолиятини кучайтиришга эътибор қаратди. Миллатлараро дўстлик ва бирдамлик йўлидаги хизматлари учун у II даражали “Достық” ордени, қатор юбилей медаллари ва “Бауырмал” мукофоти билан тақдирланди. Ҳошимжонов вилоят прокуратураси қошидаги жамоат кенгаши ҳамда Халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлимида фаолият олиб бормоқда.

Ёшлар қанотининг фаолияти ҳам марказ ҳаётида муҳим ўрин тутди. Саид Турсунматов раҳнамолигида 2003 йил 14 январь куни вилоят ўзбек маданият маркази қошидаги “Ёшлар уюшмаси” ташкил этилди. Унинг атрофига фаол ва ташаббускор ёшлар тўпланди. Ёшлар ҳаракатини ривожлантиришда Мирвоҳид Миразизов, Зоҳид Ҳожиматов, Воҳид Бойбўлатов, Баҳром Маманазаров, Алишер Усмонов, Мунаввара ва Саида Қирғизбоевалар каби фаолларнинг ҳиссаси бекиёс бўлди.

Бундан ташқари, “Ўзбегим жавоҳирлари” гўзаллик танлови, “Болалигим – пошлолтигим” хайрия тадбири, “Ёшлар кечаси” тадбирлари, спорт мусобақалари ва диний-маънавий учрашувлар аънаваний тус олди. “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси билан ҳамкорликда “Ислол ва жамият” давра суҳбатлари ташкил этилди, унда турли дин вакиллари ҳамда қувайтлик олимлар иштирок этди.

ТАЪЛИМГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛДИ

Қозоқ кимё-технология институтининг катта ўқитувчиси, фаол жамоатчи Эшпўлат Қирғизбоев вилоят ўзбек маданият маркази раиси Маҳаммадрасул Исоқовнинг муовини сифатида фаолият юритган йилларда ёшларнинг олий таълим олишига алоҳида эътибор қаратилди. У Фарҳод Асиллов каби фаоллар билан ҳамкорликда Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикаларининг Таълим ҳамда Маориф вазирликлари ўртасида талабаларни ўзаро алмашлаб ўқитиш бўйича келишувни амалга оширишга эришди. Ушбу шартнома асосида Қозоғистонда истиқомат қилувчи ўзбек ёшларидан 20 нафар талабага Ўзбекистон олийгоҳларида, яна 40 нафар ўқувчига эса ўрта-маҳсус таълим муассасаларида таҳсил олиш имконияти яратилди. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги қозоқ ёшларига ҳам Қозоғистон олий таълим тизимида квота ажратилди.

Эшпўлат Қирғизбоев бошлаб берган бу эзгу ишларни кейинчалик марказ раиси муовини Абдували Абдухаликов давом эттирди.

Вилоят ва Кентов шаҳар ЎЗМБ ташаббуси билан 2005 йили Кентов шахридаги “Қозоғистон 30 йиллиги” мактаби ўзбек тилида таълим берувчи мактаб сифатида фаолият бошлади.

Шунингдек, 2003 йил декабрь ойида Сайрам тумани Жулдиз қишлоғидаги 53-сонли мактабнинг эски биноси ўрнига янги замонавий мактаб қурилишида ҳам ўзбек маданият маркази фаолларининг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Шу йиллардан эътиборан, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси ЕХХТ билан ҳамкорликни йўлга қўйди. 2005 йилдан буён ташкилотнинг оз сонли миллатлар бўйича Бош комиссари Кнут Воллебек билан тузилган шартнома доирасида ўзбек мактабларида кўп тилли ва билингал таълим тизими босқичма-босқич жорий этиб келинмоқда.

Шунингдек, ҳар йили республика миқёсида ўтказиладиган аънавий “Давлат тилини билиш – бурчинг” танловида фаол иштирок этган ва ғолиб бўлган ёшларга олий таълим муассасаларида бепул таҳсил олиш ҳуқу-

ДЎСТЛИКДАН КИШИЛАР ТОПГАЙ САОДАТ

қини берувчи сертификатлар тақдим этилади. Бу ташаббус кўплаб ўзбек оилалари учун катта ёрдам ва қувонч манбаига айланди.

ЮРТ ФАХРИГА АЙЛАНГАН ЗИЁЛИЛАР

Фурсатдан фойдаланиб, миллатимиз фахрига айланган ҳамюртларимиз номларини тилга олсак. Вилоятимизнинг фахрий фуқароси, Нью-Йорк Халқаро Фанлар Академияси академиги, ҚР Давлат мукофоти лауреати, кимё фанлари доктори, профессор Маҳмуджон Ирисметов, ҚР ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамиятининг биринчи раиси, Украина Фанлар Академияси академиги Бахтиёр Қодирбеков, ҚР Медицина фанлари Академияси аъзоси, профессор Озод Тошпўлатов, “Дўстлик” ҳамжамияти раиси муовини, ҚР Табиий фанлар Академияси аъзоси, профессор Бахтиёр Юнусов, нафа-

марали фаолият олиб боришди. Улар орасида ҚР ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги “Ижодкор” (раиси Абдурахим Пратов), Халқаро Амир Темур жамғармаси қошидаги “Истеъдод” (Ўрмон Собир), вилоят мақомидаги “Чашма” (Суннатулла Ақромов), “Шимкент” (Эркиной Султонова), “Исфижоб” (О. Тиллаҳўжаев номидаги, раҳбар – Ўрмон Собир), “Қамолат” (Мавлуда Маҳаммедова), “Сайрам” (Ғайрат Раҳимов), “Шуъла” (Гулнора Бегалиева) каби тузилмалар бор. Шунингдек, Туркистон шахридаги Хожа Аҳмад Яссавий ва Миртемир номли, “Туркистон”, “Қарноқ”, “Қарвон”, “Шамчирок” сингари уюшмалар ҳам фаол ижод майдонларига айланди.

Абдурахим Пратовнинг ташаббуси билан республика матбуотида, хусусан, “Казахстанская правда” газетаси ва “Керуен” журналидаги материаллар орқали ўзбек ижодкорларининг фао-



кат республикаимизда, балки хорижда ҳам таниқли нейржарроҳ Рустам Отахонов, Халқаро Психология Академияси академиги, “Эрмитаж дўстлари” халқаро клуби аъзоси, профессор Аҳмаджон Муҳаммаджонов, ҚР Фанлар Академияси мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, таниқли эколог олим Аҳмаджон Султонов, Европа ва Америка онкологлари ҳамжамияти аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, академик Насрулла Шоназаров, фан докторлари, профессорлар – Тўланбой Абдувалиев, Тоирхон Довудов, Рўзимат Эргашев, Алишер Исмоилов, Бобур Абдурахмонов, Учқун Юнусов, Нейматжон Алметов, Бахтиёр Исмоилов, Шимкент вилояти ижроқўми собиқ раиси, таниқли давлат ва жамоат арбоби Эрмат Умаров, таниқли ихтирочи, СССР Давлат мукофоти лауреати Абдулла Абдуқодиров, Қозоғистон ва Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмалари аъзоси, таниқли болалар шоири Эрназар Рўзиматов, Совет Иттифоқи

ляти ҳақида кенг ёритилмоқда.

МАФКУРА МАЙДОНИДА – ЎЗБЕК МАТБУОТИ

Ўтган даврда “Сайрам сабоси” ва “Жамият ва маърифат” (муҳаррир – Абдумалик Сармонов), “Адабиёт ва санъат” (муҳаррир – Абдуғаффор Маҳаммедов), “Жануб жарчилари” (муҳаррир – Эътибор Аҳмаджонова), “Исфижоб” (муҳаррир – Эркиной Султонова), “Робита” (муҳаррир – Фазлиддин Идинов), “Иқоним-иймоним” (муҳаррир – Муталлиб Йўлдошев) каби хусусий газеталар, шунингдек, “Саодат сари” журнали (муҳаррир – Муҳайё Бегматова) халқ орасида катта обрў қозонди.

Ёш авлод учун мўлжалланган “Бойчечак” ва “Қамалак” журналлари, “Болажон” ва “Болалар олами” газеталари ҳам болалар онгига маънавият ва китобхонлик маданиятини шакллантиришга ҳисса қўшди

Шунингдек, “Давр” (Кентов шаҳар



Қаҳрамонлари – Зиёнат Ҳусанов, Файзулла Йўлдошев, Қурбонбой Ирисбеков, Тоштемир Рустамов, Бўтабой Содиков, Расул Исетов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари – Абдурахмон Холмирзаев, Азизхон Маниязов, Соҳид Дўсметов, Мамит Айтхўжаев, Тошой Йўлчиева, Эргаш Додонов, Эргаш Иззатуллаев, СССР Олий Кенгаши депутатлари – Шароф Ниёзов, Мирсоли Мирқодиров, Малик Набиев ва Раиса Раҳимова, Совет Иттифоқи ва хорижда танилган фаранг кураши устаси Аминжон полвон Юсупов, “Шахтёр шухрати” белгисининг тўлиқ кавалери Саид Мирзараимов, “Қозоғистонда хизмат кўрсатган металлур” Турдали Усмонов, “Парасат” ордени соҳиблари – Ўсаркул Ирискулов ва Ҳабибулла Азимов, “Қўрмет” ордени соҳиблари – Сайдазим Эралиев ва Низомхон Сулаймонов, республикага таниқли хунарманд Носир Ҳамроқулов ва яна кўпгина ҳамюртларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, – дейди И. Ҳошимжонов.

АДАБИЁТ – МИЛЛАТНИНГ РУҲИ

Ўтган уч ўн йиллик давомида вилоятда ижодкорлар бир неча адабий ва ижодий уюшмалар доирасида са-



Сиёев, Ҳамза Имонбердиев, Мирпўлат Мирзаевнинг таваллуд саналарини кенг миқёсда нишонлаш ҳам аънамага айланган.

Шундай тадбирлардан бири Тошкентдаги Республика Байналмилалчилар маданият марказида ўтказилган ижодий учрашув бўлди. Унда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, шоир Муҳаммад Али, ёзувчи Носир Фозилов ва бошқа зиёлилар иштирок этиб, икки қардош халқнинг маънавий ҳамжиҳатлигини яна бир бор намоён этдилар.

АНЪАНАГА АЙЛАНГАН БАЙРАМ

1995 йилда вилоят ўзбек маданияти маркази раиси Маҳаммадрасул Исоқов раҳнамолигида, фаоллар Турсуной Исмоилова ва Бегмат Турдикулов ташаббуси билан Шимкент шахрида илк бор “Ўзбек халқининг тили, маданияти ва аънаналари куни” байрами ўтказилди. Шу пайтдан эътиборан бу байрам ҳар йили аънаваний тарзда ўтказилмоқда.

Тантанга Туркистон вилоятининг барча ҳудудларидан, шунингдек, Жамбил, Қизилўрда ва Алматы вилоятларидан ҳам меҳмонлар таширф буюришади. Байрамда миллий хунармандчилик, полиз маҳсулотлари ва рассомлик асарлари кўргазмалари ташкил этилади, мусикий чиқишлар ва адабий мушоиралар бўлиб ўтади. Ўзбекистондан келган меҳмонлар иштирокисиз бу байрам бирон марта ўтмагани ҳам унинг аҳамиятини янада оширади.

СССР рассомлар уюшмаси аъзоси, таниқли мўйқалам соҳиби Эргаш Иристовнинг шахсий кўргазмаси ҳам ана шу маданий лойиҳаларнинг давоми сифатида ўтказилган бўлиб, унинг номи Сайрам қишлоғидаги кўчалардан бирига берилган.



“ОФАРИН” – САНЪАТ ВА ИҚТИДОР МАЙДОНИ

ЎЗМБ миллий санъатни тарғиб этиш ва ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ижодий танлов ва фестивалларни ташкил этиб келмоқда.

Шулардан энг машҳури – 1992 йили асос солинган “Офарин” вилоят кўрик-танловидир. У 5 йўналишни қамраб олади:

- * эстрада ва мумтоз қўшиқ,
- * рақс (яккаҳон ва гуруҳ),
- * миллий чолғу ижроси,
- * аския ва лапар,
- * назм (мушоира) санъати.

Танлов ғолибларига диплом, статуэтка ва қимматбаҳо совғалар топшириш аънамага айланган. Ушбу ташаббусга таниқли созанда Саъдулла Маҳмудов асос солган бўлиб, бугунги кунда “Офарин” жамғармаси ҳам самарали фаолият юритмоқда.

2012 йили “Офарин” кўрик-танловининг 20 йиллиги ва Ўзбекистон халқ ҳофизы Нейматжон Қулабдуллаевнинг 80 йиллиги муносабати билан халқаро санъат фестивали ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Қирғизистондан келган санъаткорлар ҳам иштирок этишди. Шу муносабат билан “Офарин-20” кўк-

рак нишони таъсис этилиб, бир қатор санъаткорлар тақдирланди.

Бирлашма ташаббуси билан “Аския” ва “Лапар” фестиваллари ҳам халқаро миқёсда ўтказилиб, қўшни мамлакатлардан гуруҳлар қатнашмоқда.

МИЛЛИЙ ДАСТАЛАР – ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ЭЛЧИЛАРИ

Вилоят ЎЗМБ қошидаги “Гўнча” халқ дастаси, “Юлдузча”, “Баҳор” ва “Феруз” рақс гуруҳлари “Халқлар дўстлиги” республика фестивалининг доимий иштирокчилари ҳисобланади. Улар бир неча бор лауреатликни қўлга киритган.

Дасталар Астана, Алматы, Павлодар, Кўкшетау, Қизилўрда, Ақтўбе ва Тароз шаҳарларида концерт дастурлари билан халққа байрамона кайфият улашмоқда. Шунингдек, Туркистон шахри ва Тўлебий туманидаги ЎЗМБ қошидаги санъаткорлар уюшмалари ҳам дўстлик фестиваларида фаол иштирок этиб, миллий санъатимиз тарғиботида ҳисса қўшмоқда.

СПОРТДА ҲАМ ФАХРЛИ НАТИЖАЛАР

ЎЗМБ қошидаги спорт ишлари кенгаши ҳам ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ёшлар вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этмоқда.

Сайрам тумани ЎЗМБга раислик қилган, ёшлар жаҳон чемпионати иштирокчиси Фахриддин Исмоловнинг фаолияти ҳам спорт ишларининг янада жонланишига сабаб бўлди. Шунингдек, бокс бўйича икки қарра республика чемпиони Фарух Шоназаров хотирасига бағишланган халқаро турнир аънаваний равишда ўтказиб келинади. Бу тадбирни ташкил этишда спорт фидойиси, ҳомий Бадриддин Нишонкуловнинг хизмати салмоқли.

ФИДОЙИЛИК ВА БИРДАМЛИК ЭЪТИРОФИ

Эл хизматида фаолият юритаётган ўзбек этномаданият бирлашмаси фидойиларининг меҳнати ҳам юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Вилоят ЎЗМБ тавсиясига биноан, халқнинг маданияти, маънавияти ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун қатор фидойи инсонлар давлат ва жамоат мукофотлари билан тақдирландилар.

Таниқли ҳофиз Тўлқинжон Ҳасанов, академик Маҳмуджон Ирисметов, устоз-мураббий Бегмат Турдикулов, тадбиркор Адҳам Турдиев “Ерен еңбегі үшін” медали билан мукофотланди. Марказ қошидаги “Меҳрли оналар” уюшмаси раиси, қаҳрамон она Фароғат Ҳожиметова ҳамда тадбиркор Қаҳрамон Исмоилов “Шапағат” медали билан тақдирланди.

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг “Бірлік” олтин медалига Фароғат Ҳожиметова, хотин-қизлар кенгаши раисаси Гулнора Норова, Ю. Сарёмий номидаги мактаб-гимназия директори Баҳодир Нуралиев ва бошқалар сазовор бўлдилар.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг “Бауырмал” мукофоти билан академик Маҳмуджон Ирисметов, Сайрам музейининг собиқ директори Мираҳмад Мирҳолдоров, Болалар уйининг собиқ директори Хонимбуви Абдуқодирова, Сайрам тумани Фахрий фуқароси Каримжон Юсвалиев, ЎЗМБ раиси маслаҳатчиси Ғайрат Қирғизбоев, жамоат арбоби Рисолат Ахмедова, “Юг-сантехмонтаж” директори Шухриддин Нишонбоевлар тақдирландилар.

Ўзбек этномаданият бирлашмаси – маданиятимизнинг кўзгуси ва Қозоғистондаги кўп миллатли жамиятнинг бирдамлиги ва дўстлиги рамзидир. Ҳар бир учрашув, ҳар бир анжуман, ҳар бир хайрия тадбири ортида миллатлараро ҳамжиҳатлик гоёси, умумий юртва садақат ва эзгу ният ётади.

Авазхон АБДУФАТТОВ ўғли.



ИЛМУ ИРФОН – БЕБАҲО ҚАДРИЯТ

Халқимиз азалдан илм-маърифатни молу давлатдан устун қўйган. Ёш олимни кексалар ўзидан тўрда ўтқозишган. У қаршилик қилган. Шунда “Ўтинг, ука, илмингизнинг ҳурмати учун”, дейишган.

“Гап ёшда эмас, бошда”, деган мақол ҳам бизники. Шунинг учун ҳам Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев «Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали» Мактубида «Мамлакатимиз билимга асосланган иқтисодиётга ўтмоқда. Шу боис, фан, таълим ва инновация соҳаларини бошқариш усулларини ўзаро уйғунлаштириш муҳим. Фан соҳасида хали ҳам давлатнинг улуши юқори. Лекин бюджет маблағларининг қайтарими қутилган даражада эмас. Янги патентлар, технологиялар ва ишлаб чиқариш каби кўзга кўринадиган аниқ натижалар етарли эмас. Шу сабабли инновацион сиёсатни Фан ва олий таълим вазирлиги ваколатига бериш мақсадга мувофиқ», деди ва вазирликка Фанлар академияси билан ҳамкорликда илмий институтлар ва олий ўқув юртларини мувофиқлаштириш билан жиддий шўғулланишни топширди.

Президентнинг илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари халқимиз томонидан ўзгача ҳурмат, иззат билан қутиб олинди.

Қ. Тўқаев китобхонлиқни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Унинг фикрича, китоблар инсоннинг маънавий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун у китобхонлиқни оммалаштириш, унга оид фестиваллар ва тадбирларни ташкил этиш, ёшлар орасида кенг тарғиб қилишни мақсад қилган.

Қ. Тўқаевнинг ташаббуслари доирасида, масалан, «Китобхонлик йили» каби тадбирлар ташкил этилди. Президент ташаббуси билан йўлга қўйилган «Мўтолаага муштоқ мактаб» лойиҳаси мамлакатимиз таълим тизимида янги босқични бошлаб берди. Бу лойиҳа ёш авлод тафаккурини ривожлантиришга, уларнинг онгини бойитишга қаратилган ўзига хос ташаббусдир.

Лойиҳа ёшларнинг маънавий ду-

зилатли қилади, илм ёмон одамнинг қўлида ёвузлик қуролига айланади», деган эди.

Биз узоқ йиллар билим – билим учун, деб келдик. Билимдан фойдаланишга эътибор қаратмадик. Аксинча, билим билан фойдани, илм билан капитални қарши қўйдик. Дунёда эса илм-фан тобора капиталлаша борди. Бундан инновация туғилди. Ишлаб чиқариш, саноат ривожланди.

Демак, диёримизда 2025 йилдан эътиборан, илмий кашфиётлар ва уларнинг капиталлашуви, ижтимоий ва иқтисодий фойда келтириши жадаллашади.

Натижада, маърифат кучаяди. Илм-маърифат фақат аниқ, техник, табиий фанлар ютуқларини эмас, ижтимоий-гуманитар илмлар тарғиботини ҳам тақозо қилади. Бир пайтлар “Ижтимоий-сиёсий билимлардан нима фойда”, деган технократик хато тушунча бор эди. Бу фикрга эргашган мамлакатларда иқтисодий бойликларга эришилди ҳам. Одам моддий озик истеъмолчисига айланди. Маънавий озикланмаган одамлар бой бўлишди, лекин бахтли бўлишмади. Одамлар тўқ, меҳр-оқибат йўқ. Бир-биридан бегоналаша бошлади. Бир-бирига кераги бўлмай қолди.

Чунки Ҳазрат Навоий айтган: Ақл ила олам юзин обод қил, Хулқ ила одам элини шод қил, деган ўғит уларга қор қилмади. Эътибор берсак, аниқ фанлар асосида одам ўзини, оламни обод, фаровон қилади. Ижтимоий-гуманитар фанлар эса одамнинг ниятлари, хулқини гўзал қилади. Натижада улар бир-бирларига иззатдан шод бўлашади. Агар шундай бўлмаса, бахтнинг ярмига эришилади. Яъни, одамлар хулқ ила бир-бирларини шод қилмай қўйишади.

Шукрки, биз истеъмолчиликда ҳам



нёсини бойитиш ва умумий маданият даражасини юксалтиришни кўзлайди. Шу мақсадда мактаб кутубхоналарига 2,5 миллионга яқин бадий адабиёт харид қилинди. Ушбу китоблар қаторида жаҳон адабиёти намуналари ҳам бор.

Натижада, китобхонлик миллий ҳаракатга айланиб кетди. Бу беҳиз эмас. Халқимиз ерда ётган пулни олмаслиги мумкин, лекин ерда ётган китобни олади. Олиб varaқлайди, ўқийди. Чунки китобда илм бор. Китобхон одам, миллият ҳеч қачон кам бўлмаган. Буни илмий тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, китоб ўқимаганларнинг 43 фоизи, китоб ўқиганларнинг эса атиги 4 фоизи иқтисодий жиҳатдан қийналади.

Рақамли иқтисодиётнинг илмий асосини бобокалонимиз Ал-Хоразмий асослаб, инсониятга тутди. Бу соҳа дарахтининг минг йиллик илдиэлари Туркистондан бошланган. Биз ёшларни ватанпарварлар инсон сифатида тарбияласак, ҳадемай, юртимизни дунёнинг IT пойтахтига айлантиришади. Боболаримизнинг илми туфайли Туркистон қадимдаёқ жаҳон тамаддуни марказига айланган.

Илм билан маърифат чамбарчас болгик. Бунда ҳам катта ҳикмат муржассам. Чунки, илм бўлсаю маърифат бўлмаса, илм кутубхоналарда, китобларда қўлиб кетаверлади.

Илм соҳиби маърифатсиз бўлса нима бўлади? Бунда илм яхшиликка хизмат қилмайди. Бу ҳақда мутафаккир Д. Фонвизин “Маърифат одамни фа-

кам эмасмиз, хулқ ила одам элини шод қилишнинг роҳатини унутганимиз йўқ, унутмаймиз ҳам. Чунки бир палласига моддий, иккинчисига маънавий бойлиқнинг тенглигини кўрсатиб турадиган қадимий, шарқона ахлоқ қоидаларимиз мажмуаси, тарозимиз бор. “Ҳар бир соҳанинг илми бор”, дейди Президентимиз. Мана шу фикр билан ортга қарасак, бунинг бой тарихини кўраимиз. Одамзод ўз тарихида минг муаммо, бало-қазоларга дуч келди. Илмга суяниб, чорасини топди. Очарчилик, уруш, касалликлардан қутулиш, иссиқ-совуқ, ер усти-ер ости бойлиқларини ўзлаштириш, таомлар тайёрлаш, кийиниш, масофадан кўриш, гаплашиш – ҳаммаси илмга амал туфайли бўлди.

Илмга амал қилган одам бугун кушдан тез учаяпти, балиқдан тез сузаяпти. Бугун илм шу даражага етдики, одам касал аъзоларини сунъий йўл билан яратиб, алмаштира олаяпти.

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш вазифаси ҳар бир соҳада ишчи илмий асосда ташкил этишни талаб қилмоқда. Чунки бугун ҳам, эртага ҳам яхши яшашимиз учун қўлимиздан олдин ақлимизга иш буюришимиз керак. Ана шунда ҳар бир одам ақл билан ўзининг, хулқ билан юртдошларининг ҳаётини бе-зайди.

Отабой РАХИМҒОЗИЕВ.

»» Президент Мактуби – амал дастури

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДАН – АҚЛЛИ ТАРАҚҚИЁТГА



Биз яшаётган давр – Қозоғистон учун тарихий аҳамиятга эга. Мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари – давлатчиликни мустаҳкамлаш, Қозоғистонни ҳуқуқий ва замонавий давлат сифатида ривожлантириш, маҳаллий ва миллий бошқарув органлари барқарорлигини таъминлаш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хомашё ва захира соҳалари тараққиётига эътибор қаратган ҳолда, янги технологияларни татбиқ этиш ҳамда иқтисодий юксалишни жадаллаштиришдир.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев таъкидлаганидек, асосий вазифа – мамлакат иқтисодиётини жаҳон андазаларига мувофиқ замонавийлаштириш, халқ ҳаёти даражасини барқарор равишда ошириш, иш ўринлари ва ижтимоий хизматларни кенгайтиришдир.

Таълим, саломатлик, ижтимоий хизматлар ва касбий тайёргарликни XXI аср талабларига мослаштириш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, конфессиялараро тотувлик ва дин эркинлигини таъминлаш, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши самарали кураш каби вазифалар ҳам давлатнинг асосий устувор йўналишлариандир.

Президент Тўқаевнинг сўзларига кўра: “Биз мамлакатни дунёвий ўзгаришларга тайёрлашимиз лозим. Ҳар бир қадамимиз халқ фаровонлигига хизмат қилиши даркор. Миллий стратегия ва “Қозоғистон-2050” режаси бу йўлда асосий йўналишларни белгилайди”.

Ҳозирги кунда Қозоғистоннинг ташқи сиёсати ҳам устувор аҳамиятга эга. Россия, Хитой, АҚШ ва Европа Иттифоқи билан мустаҳкам ҳамкорлик, шунингдек, Осиё ва Яқин Шарқ давлатлари билан иқтисодий ва сиёсий алоқалар мамлакат манфаатлари учун муҳимдир.

Хукуматнинг асосий вазифаси – мамлакат хавфсизлиги ва ислохотлар учун қулай муҳит яратиш, шартномаларни самарали амалга ошириш ва стратегик ҳамкорлар билан барқарор муносабатларни сақлашдир. Москвада Россия билан имзоланган чегараларнинг делимитацияси бунга мисол бўлиб, илк бор стратегик шерик билан ҳуқуқий расмийлаштирилган чегарага эришилди.

Минтақавий интеграция ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома минтақавий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт учун пойдевор ҳисобланади.

Иқтисодиётда эса Қозоғистон нефть, газ, руда ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берувчи мамлакат сифатида ўз ўрнини мустаҳкамламоқда. Янги нефть-газ қуворлари, автомобиль ва темир йўл линиялари транзит имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бирга, “Рақамли Қозоғистон” дастури қабул қилиниб, республика тараққиётининг 2025 йилгача бўлган стратегик режаси амалга оширилмоқда.

Президент Тўқаев таъкидла-

ганидек, “Барқарор иқтисодий тараққиёт, ижтимоий адолат ва технологик юксалиш – халқ фаровонлигининг асосидир. Биз миллий тафаккурни янгилаш орқали янги замонавий Қозоғистонни барпо этишимиз керак. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоя қилиниши, ижтимоий ёрдам, оналик ва болалик муҳофазаси, нафақадорларга ғамхўрлик таъминланиши лозим”.

Ҳар бир қозоғистонлик учун миллат ва динидан қатъиназар, анъаналар, маданият ва динни танлаш эркинлиги кафолатланади. Ҳуқуқ-тартибот идоралари тинчлик ва тартибни сақлай олади, тадбиркорлар эса ўз ташаббусларини эркин амалга ошириш имкониятига эга.

Иқтисодиётни тубдан янгилаш инсон капиталини ривожлантиришга оид янги талабларни қўймоқда. Ушбу жараёнда таълим соҳаси алоҳида аҳамият касб этади. “Ке-лажак мактаблари” миллий лойиҳаси доирасида режалаштирилган 217та мактабнинг 150таси айни кунда фаолият юритмоқда, қолганлари уч ой ичида ишга туширилиши шарт.

Рақамли технологиялар меҳнат бозорини шиддат билан ўзгартирмоқда. Шу боис, 100 мингга яқин талабани технологик лойиҳаларга жалб этиш, AI-Sana дастури ва сунъий идрок соҳасида билим бериш дастурлари йўлга қўйилмоқда. Мактаб босқичиданоқ сунъий идрок асослари ва замонавий технологиялар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш – муҳим вазифа.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев «Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали» Мактубида фан, таълим ва инновация соҳаларини уйғунлаштириш зарурлигини таъкидлади. “Янги патентлар, технологиялар ва ишлаб чиқариш натижалари яққол намоён бўлиши керак. Шу боис, инновацион сиёсат Фан ва олий таълим вазирлиги ваколатига берилиб, университетлар сунъий идрокни кенг жорий этадиган муассасаларга кўпроқ эркинлик берилди”, деди у.

2025 йил “Ишчи касблари йили” деб эълон қилинди. Меҳнат бозорида минглаб иш ўринлари бўш турибди, лекин дипломли мутахассислар тез даромад келтирадиган ишларни танлайди. Давлат шундай шароит яратиши керакки, касбий, билимли мутахассислар ўз соҳасида ишлашга интилишсин. Ишчи касблари обрўси ва муносиб маош таъминланиши – энг муҳим вазифалардан.

Демография ва меҳнат бозоридаги жараёнлар пенсия тизимида янги ёндашувларни тақозо этмоқда. Миллий банк ва Стратегик режалаш ва ислохотлар агентлиги ҳамкорлигида пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги таъминланиши, тўловлар узоқ муддатда барқарор ва муносиб даражада бўлиши шарт.

Президент Мактубида “Қарзсиз жамият” лойиҳаси фуқаролар молиявий саводхонлигини ошириб,

қарзини камайтириш ва барқарор даромад манбаларини яратишга хизмат қилиши таъкидланди.

“Қишлоқда соғлиқни сақлаш соҳасини янгилаш” лойиҳаси доирасида 540та иншоот барпо этилди. “Қурилган кўп тармоқли касалхоналар бюрократик тўсиқларсиз ишга туширилиши ва давлат-хусусий шериклик орқали хусусий сармоя жалб этилиши керак. Фармацевтика саноати ривожлантирилиши, тиббий хизматларга мониторинг самарадорлиги оширилиши лозим”, деди Президент.

Шифокорлар мақоми ва ижтимоий шароити яхшиланмоқда, йўл хавфсизлиги ва электросамокатлар ҳаракати қоидалари ҳам қатъий назорат қилинади.

Шу билан бирга, Президент таъкидлаганидек, мамлакатимизда барча соҳалар – иқтисодиёт, таълим, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият бир-бири билан уйғун равишда ривожлантирилиши зарур. Ҳар бир фуқаро учун тенг имкониятлар яратилиши, меҳнат ва билим қадрланиши, хавфсизлик таъминланиши – янги Қозоғистоннинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Мактубда белгиланган вазифалар юртимизни барқарор ривожлантиришга қаратилган. Рақамли ислохотлар, сунъий идрокни жорий этиш мамлакат имкониятларини барча соҳаларда оширади. Шу боис “Digital Qazaqstan” дастури орқали барча лойиҳалар ягона йўналишда амалга оширилади.

Рақамли технологиялар орқали халқ турмуши осонлашади, мамлакатимиз халқаро майдонда нуфузли бўлади. Шунингдек, ташқи сиёсатда мувозанатли йўл тутиб, ҳамкор давлатлар билан ишончга асосланган муносабатлар ривожлантирилади.

«Маданият, одоб, тарбия ва ахлоқ ҳар бир инсондан, ҳар бир оиладан бошланади. Ёшлар бунёдкорлик, янгиллик ва ижобий ўзгаришлар орқали ватанпарварликни намоён этади. Улар юртимизни замонавий, тараққий этган давлат сифатида кўришни истайди. Шунингдек, сунъий идрок даврида ёшлар салоҳияти алоҳида аҳамиятга эга», деди Президент.

Парламент ислохоти – халқ билан очиқ муҳокама қилинувчи жараён. 2027 йилда умумхалқ референдуми орқали фуқароларимиз қарор қабул қилади. Ушбу ислохотлар мамлакат тараққиёти, адолатли ва қудратли Қозоғистонни барпо этиш йўлида муҳим қадамдир.

«Бугун биз очиқ, билимли ва фаол фуқароларга таянамиз. Янгилликка интилиш, тинчлик ва осойишталикни қадрлаш – барча учун асосий вазифа», таъкидлади Давлат раҳбари.

Мухтасар қилиб айтганда, биз танлаган йўл – ор-номус, қадр-қиммат ва обрўси қадрланадиган, олий ахлоқ, одоб-андазалар ва маънавий қадриятларга эга жамият қуришдир. Бу йўл орқали мамлакатимиз жаҳондаги ривожланган ва гуллаб-яшнаётган давлатлар қаторига кириши мумкин.

Авазхон АБДУҒАТТОҲ.

»» Дўст билан обод уйинг

“ДЎСТЛИК КАРВОНИ” ТААССУРОТЛАРИ

**13 йил муқаддам илк марта дониш маннотов ҳомийлигида
ТУРКИСТОН–ТОШКЕНТ–САМАРҚАНД–НАВОИЙ–БУХОРО
ЙЎНАЛИШИДА “ДЎСТЛИК КАРВОНИ” ТАШКИЛ ЭТИЛГАНДИ**

Фаол обуначимиз, давлат ва жамоат арбоби, Эски Иқон қишлоғи ҳокими, Туркистон шаҳар УЭМБ раиси бўлиб ишлаган, вилоят маслаҳатига депутат бўлиб сайланган Дониш Маннотов билан суҳбатимиз дўстлик, маънавият, маданият, матбуот ҳақида кечди. Дастлабки саволимиз халқаро “Дўстлик карвони” ҳақида бўлди...

Ҳамроҳларимиз Жарилқасин Азирет-бергенов, Налихон Шўтаев, Нурмахан Назаров ўта миннатдор бўлишди. Туркистонга келишгач, сафар таассуротларини мактаблардаги сўнгги кўнгирак тадбирларида ўртоқлашиб, бизда ҳам шундай шароит яратиш лозимлигини таъкидлашди. Сафар чоғида Икром Ҳошимжонов, Ғофур Қосимов ҳам иштирок этишди. Мендан кейин “Дўст-

лик карвони”ни қорабулоқлик Бадритдин Нишонқулов давом эттирди. Айни пайтда Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари орасида мангу дўстлик, ҳамкорлик алоқалари хусусида расмий ҳужжатлар имзоланганлигидан беҳад хурсандман. Самарқандда мен ўқиган қишлоқ хўжалиги олийгоҳини, Бухорода Аҳмад Яссавий таълим олган мадрасаларни ҳам зиёрат қилдик.



Афсуски, ўша сафарда иштирок этган, умрини Туркистон шаҳри ва ҳозирги Саврон тумани равнақиға бахшида этган кўп зиёли оғаларимиз, укаларимиз фоний дунёни тарк этишди.

– Машҳур санъаткор Бобомурод Ҳамдамов ҳаётлигида мусоҳабасида “Мен Қозоғистондаги эътиқодли мухлисимиз хонадонига беш марта тўйига бориб, хизмат қилганман”, – деди. Ўша хонадон сизники эмасми, мабодо.

– Тўғри, Бобомурод ака бизникига ва шифокор жарроҳ Эргаш акамникига тўйларга уч марта келиб, хизмат қилган. Икки марта Эргаш акам Сайрамдаги ҳамкасб дўстининг тўйига тўёна сифатида Бобомурод акани таклиф қилган. Эргаш акам шифокор ҳамда Туркистон шаҳар аскиячилари терма жамоасининг мохир сардори бўлган. Яқинда оламдан ўтган сайрамлик Турсунхўжа Хонхўжаев ҳам туман аскиячилари раҳбари эди. Вафотидан икки кун аввал касалхонаға бориб, кўриб дийдорлашган эдим.

– Сиз Иқон қишлоғида боғдорчилик соҳаси равнақиға асос солдин-

гиз. ҚР Тўнғич Президенти Н. Назарбаев сиз бунёд этган “Улуғ қопқа” мажмуасини келиб томоша қилиб, мевали дарахт кўчати ўтқазганиға ҳам 30 йил тўлибди.

– Тўғри, ўша ўрик дарахти меваға кириб, ҳосил бергач, Астана шаҳридаги болалар уйига узум, олма, қовун, тарвуздан иборат хайрия автокарвонини ташкил этдик. Ҳозир Эски Иқондаги мевали дарахт боғлари ҳажми икки минг гектардан ошадди.

– Экин, пахта майдонларини суғориш йил оша сувсизлик сабаб қийин кечмоқда. Сиз қишлоққа ҳоким пайтингизда 10 минг гектар далаларни шўрланишдан сақлаш учун ПУИД – 2 халқаро давлат дастури бўйича ҳужжатлари расмийлаштирилиб, жуда катта халқаро маблагъ эвазига бу кўламдор иш ниҳоясига етказилди. Шу дастур доирасида қазилган 70та скважина қудуқлари қишлоқ экинзорларини оби-ҳаёт билан таъминлашда катта ижобий аҳамиятға эға бўлганлиги ҳақида газетамизда ёритдик.

– Агар шу тадбир амалға ошмағанида қишлоқ экин майдонлари аҳволи шўрланиш сабаб, ишдан чиқиши аниқ эди. Марҳум дўстимиз Қахрамон Қўчқоров кўп маротаба минбарлардан куюниб гапирган орзулари амалға ошди. Шўрланиш олди олинганиға беҳисоб шукроналар бўлсин.

– “Жанубий Қозоғистон” нашри 35 ёш арафасида. Тилакларингиз...

– Бу нашр фидойи оғаларимиз Ирискул Айтметов, Эркин Аббосов, Эркин Жўрабеков каби кўппаб фидойилар саъй-ҳаракатлари билан очилган. Обунаға ёрдам бераётган барча юртдошларимизға раҳмат айтаман. Мен, тадбиркор ўғилларим – Абдувоҳид, Олим, Умид ва улар раҳбарлик қилаётган муассасалар бу хайли ишға биргаликда ўз ҳиссамизни қўшамиз.


Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: “Дўстлик карвони” иштирокчилари Тошкентдаги Тўлебий мақбараси пойида; Самарқанддаги қишлоқ хўжалиги олийгоҳидаги учрашув чоғида; Бухоро шаҳридаги А. Яссавий таҳсил олган мадраса ёнида.

Муаллиф суратға олган.



– 2012 йили ўша кездеги Туркистон шаҳри ҳокими Алипбек Ўсербаев А. Яссавий мақбараси пойида менинг ҳомийлигим ва ташаббусим билан фахрий отахонлардан иборат 50 кишилиқ “Дўстлик карвони”ни кузатиб, омад тилади. Сафар арафасида дунёға келган неварамға икки қўшни давлат раҳбарлари исмлари муштараклиги – Нурислом деб исм қўйдик. Ҳозир неварам 13 ёшда, Шимкентда ўқийди. Асосий мақсад, қозоқ халқининг учта машҳур бийлари – Туркистондаги Қазибекбий, Тошкентдаги Тўлебий, Навоийдаги Айтекебийларнинг мақбараларини бир сафарда муштарак зиёрат қилиш баробарида илгари теги бир қозоқ, ўзбек халқлари орасида чегаралар бўлмаганлигини далиллаш, Ўзбекистондаги қадамжоларға таширф буюриш эди. Мақсад аъло, даражада амалға ошди. Энг аввало, Тошкентдаги республика Байналмилал марказига таширф буюриб, Ўзбекистондаги маориф тизими, хусусан, қозоқ мактаблари, дарслик билан таъминланиш, кадрлар масаласи билан танишиб, ижобий таассуротлар олдик.



ХУНАР – ҲАЛОВАТ, ЖАМИЯТГА БАРОКАТ

Тулқибоз туманининг Озодлик қишлоғида умргузаронлик қилаётган Муҳтиёр Қозоқчаев халқ хизматига бел боғлаган, эл корига камарбаста, фидойи инсон. Уни ҳамқишлоқлари, қўшни туманлар ва вилоятда истиқомат қиладиган ҳамюртларимиз ҳам ҳурмат қилишади. У бир неча йиллардан бўён меҳнати, одамхунлиги, муҳими, эзгу амали билан кўпчиликнинг дуосини олиб келмоқда. Куннинг қайси пайти бўлишидан қатъиназар, кимнингдир машинаси йўлда бузилиб қолса, ҳайдовчи аксарият ҳолда М. Қозоқчаевнинг қўл телефони рақамларини теришади. Усти қора мойға беланса ҳам “ҳожатини чиқарай”, деган ниятда ёрдамға шошилади, ишини сидқидилдан адо этади.



– Кўпинча Жамбил вилоятидан сафарға чиққанлар, машинасида муаммо юзаға келганини айтиб, кўнгирак қилишади, – дейди М. Қозоқчаев камтарона. – Ҳар ким йўлда кутилмаган қийинчиликка дуч келиб қолиши эҳтимол. Шундай ҳолатда барча ишимни ташлаб, йўлга чиқиб, махсус машина билан йўлда бузилиб қолган техникаларни тортиб олиб келаман, таъмирлашға киришаман. Менға ҳайдовчиларнинг “тез ёрдами”, дея ҳазил қилишади. Тунги пайтда ҳам кўнгирак қилиб “Муҳтиёр ака, ёрдамингиз керак”, деса, ҳеч иккиланмай, йўлга чиқаман.

Муҳтиёр Раҳим ўғли кўпбололи хонадонда таваллуд топди. А. На-

воий номли мактабни тамомлади. 4 ўғил ҳамда 4 қиз вояға етган оилада дастлабки устози бўлди. Шу боис ҳам фарзанд “Ота касбим – олтин касб”, дея отаси улуғлаган таъмирловчи касбини танлади. Дастлаб, ҳамқишлоқларининг корига камарбаста бўлди. Туманда биринчилардан бўлиб техник хизмат кўрсатиш станциясини ишға туширди.

– Падари бузрукворим қишлоғимиздаги таниқли мотор устаси эди, – дейди М. Қозоқчаев. – “Озодлик” жамоа хўжалигида фаолият юритган. Оилада энг кенжа фарзанд бўлганлигим боис, доим отам ишлаётган пайтда ёнида туриб, унинг хунарини ўргангим ке-

лаверарди. Унинг қилаётган ишлари, таъмирлаётган машиналари, эҳтиёт қисмларини созлаётганини кузатиб, тажриба орттирдим. Падаримнинг деталлар устида синчковлик билан иш олиб бориши менға катта мактаб бўлди. Устахонамизда машиналарнинг юриш қисмини таъмирлаймиз, чилангарлик ишларини ҳам амалға оширамиз, радиаторларни созлаймиз. Жамбил вилоятининг Бурний, Қўчқорота ҳудудларидан, 30 чақиримдан зиёд масофадан бузилиб қолган машиналарни қишлоғимизға махсус техникада олиб келиб, зудлик билан таъмирлаймиз. Созлаган машинани олис манзилларға кузатамиз. Юк машиналарини ҳам таъмирлаб, равон юришини таъминламоқдамиз. Айни дамда акам билан бирға фаолият юритяпмиз.

Муҳтиёр Қозоқчаев турмуш ўртоғи Гулнорахон билан оила қуриб, инсон ҳаваси келадиған хонадон соҳиблари бўлишди. 5 қизни тарбиялаб, вояға етказишмоқда. Умр йўлдоши Гулнорахон ҳисобчи. Туман миқёсида ўтказилган танлов якунларига кўра, жорий йилда йил мутахассиси номинациясида ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Икки қизи грант соҳибалари. Тўнғичи Алматида шифокорлик сир-асрорларини ўрганмоқда.

– Мабодо транспорт воситамиз бузилиб қолгудек бўлса, Муҳтиёржонға мурожаат қиламиз, – дейди Озодлик қишлоғи оқсоқоллар кенгаши раиси Мирсобир Миразизов. – Ҳақиқий уста бўлса, шунчалик бўлар-да. Кун-тун



2025 йил –
Ишчи
касблари
йили

демай, ҳожатимизни чиқаради, назаримда, ҳатто ўша машиналар ҳам Муҳтиёржоннинг тажрибали қўли тегиши билан йўлда равон юра бошлайди. Унинг хунари – ота мерос, меҳнати эса миқозларининг розилигига йўғрилган шараф, деб айтаман доим. Эътибор берган бўлсангиз, умумий овқатланиш жойларида мазали таомни тайёрлашса, албатта, уни 1-ракам билан белгилаб, юксак баҳо беришади. Шу боис ҳам, 1-сонли устахона, деб қишлоқ ахли ушбу масканни улуғлашади.

ҚР Президенти Қ. Тўқаев жорий йилни “Ишчи касблар йили” деб бежиз эълон қилмади. Ҳақиқатан ҳам, фарзандларимиз орасида ишчи мутахассисликларни кенг тарғиб қилишға алоҳида эътибор қаратишимиз зарурлигини давр талаб қилмоқда. Ва бу бежиз эмас. Давр талабига мос равишда, мамлакатимизда меҳнаткаш инсоннинг нуфузини оширишимиз зарур, ишчи мутахассисликларни кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг долзарб масаласига айланди. Касб эгалари корхоналарда, устахона ва қишлоқ хўжалиғи соҳаларида меҳнат қилишиб, мамлакат иқтисодиёти тараққиётига ҳисса қўшишмоқда. Президент ташаббуси билан амалға оширилаётган “Ишчи касблар йили” доирасидаги тадбирлар ёшларнинг касб танлаш маданиятининг шаклланишиға, хунари инсоннинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтиришға хизмат қилади.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Авазхон Абдуфаттоҳ ўғли:

“ЖУРНАЛИСТИКА –
ВИЖДОН, АХЛОҚ ВА
МАСЪУЛИЯТ МАКТАБИ”

У қирқ йилдан бери қалами билан ҳаётни ёритиб келаётган журналист. Очерк ва сатира орқали инсонни, жамиятни, замонни англаган қалам соҳибидир. Сўзга эҳтиром, ҳақиқатга садоқат унинг ижодий шиорига айланган. “Жанубий Қозоғистон” газетаси бош муҳаррири ўринбосари, соҳа фахрийси Авазхон Бўронбоев билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Авазхон ака, сизнинг журналистикадаги фаолиятингизга 40 йилдан ошди. Бу касбга муҳаббат тақдирингизга қандай кириб келди?

– Сўз мен учун ҳаёт мазмунидир. Ўқувчилик пайтларимдаёқ “Труд”, “Мурзилка”, “Гулхан”, “Ёш куч”, “Юность” каби нашрларга мақолалар ёзардим. Кейин Тошкент давлат университетида журналистика бўйича билим олдим. Армияда “Голос война” газетасида ҳарбий мухбир сифатида хизмат қилганман. Ана ўша йиллар мени чинқиртирди – далиллар ёрдамида ҳақиқатни ҳимоя қилишни ўргатди.

– Демак, илк бор адолатсизликка қарши курашиш, ҳақиқатнинг юзига тик қараш руҳи болалигингиздаёқ намоён бўлган, шундайми?

– Ҳа, илк бор адолатсизликка қарши курашни ўқувчилик пайтида, 7-синфда бошлаганман. Ўша даврда мактаб ўқувчиларини сентябрь ва октябрь ойларида пахта теримига олиб боришарди. Биз эрталабдан кун ботгунча ишлаганмиз. Мен буни адолатсизлик, деб ҳисоблаб, БМТга хат ёзганман. Шу боис, мактабни аъло баҳоларга тамомласам ҳам, менга “Олтин медаль” беришмаган. Партия буни “сиёсий хато ва бузғунчилик” деб баҳолаган ва давлат хўжалигида бош зироатшўнос сифатида фаолият юритаётган падаври бузруқворимни ишдан бўшатишган. Лекин мен учун энг катта мукофот – виждонимдаги олтин медаль эди.

– Сўнгги йилларда кўпчилик “сифатли журналистика” тусунчасини қайта кўриб чиқиш кераклиги ҳақида бонг урмоқда. Сизнингча, ҳақиқий журналистика нима?

– Бу жуда муҳим савол. Сифатли журналистика – бу воқеани ёритиш эмас, унинг моҳиятини англаш ва маъносини очишдир. Ҳассос публицист Анатолий Аграновский айтганидек: “Журналистика – бу ишонч санъати. У жамиятни ўйлатиши, хушёр қилиши, нафақат кўзни, балки қалбларни ҳам очishi керак”.

Бугун журналистика ўз илдизларидан узоклашиб бормоқда. Айрим раҳбарлар учун касбий этика эмас, фойда устувор бўлиб қолди. Матбуот кўп ҳолларда тор доирадаги “қўлбола қаҳрамонлар” ҳақида ёзиб, ҳақиқий ҳаётни четда қолдирмоқда. Маддоҳликка юз бурмоқда. Бу – жуда ҳаффли. Чунки бундай “бозор журналистикаси” оммани чапгатади, халқ онгини заҳарлайди.

Сифатли журналистика инсонга нафақат ахборот, балки маънавий озуқа бериши керак. У руҳни соғлом қилади, инсонни фикрлашга чорлайди.

– Сизнингча, нима учун бизда “очерк” жанри йўқолиб кетди?

– Бу ҳақда кўп ўйлайман. Очерк – журналистиканинг шоҳ жанри эди. У инсон орқали бутун даврни, унинг руҳини ёритарди. Аммо вақт ўтиб, у “нокерак” деб топилди. Сабаби – тезкорлик ва иқтисодий манфаат устувор бўлиб қолди.

Очерк билан бирга нафақат жанр, балки бутун бир журналистик мактаб ҳам йўқолди. Илгари вилоят газеталарига республиканинг таниқли устоз қаламашлари келиб, ёшларга маҳорат сабоқлари ўтишарди. Ҳозир эса кўплаб нашрларга журналистик маълумотга эга бўлмаганлар, ҳатто саводсиз мутахассислар раҳбар этиб тайинланмоқда. Агар газетамуҳандис ёки геологни муҳаррир қилиб тайинлаш мумкин экан, у ҳолда университетлардаги журналистика факультетларининг нима кераги бор?

– Бу жараёни қандай тўхтатиш мумкин?

– Ҳаммаси кадрлар ва тафаккур масаласига боғлиқ. Биз янги авлод журналистларини, таҳлилчи публицистларни тайёрлашимиз керак. Бу техник иш эмас – бу санъат. Буни ҳеч қандай грант ёки маблағ тезлатмайди. Вақт ва устозлик мактаби керак. Журналистика ҳаётдан узилиб



қолмаслиги даркор, чунки у маданиятнинг ажралмас қисми. Агар журналистикада сифат йўқолса, театр, кино, адабиёт ва таълимда ҳам шундай бўлади. Буларнинг бари ягона занжирнинг халқалари.

– Журналистикада ҳозир нимага эътибор қаратиш керак?

– Биринчи навбатда, виждонга. Журналист ҳеч қачон “пастга ҳам, юқорига ҳам” ялтоқланмаслиги керак. Бу – маддоҳлик. У ҳақиқат томонида бўлиши шарт. Биз бугун “журналистика таназули” ҳақида гапиряпмиз, демак жамият бу ҳолатни англамоқда. Демак, умид бор. Журналист кўлида қалам, қалбида халқ ишончи билан ишласа – бу касб яна ўз шон-шарафини тиклайди. Ҳар бир ёш журналист шундай саволни бериши керак: “Мен нима ёзаяпман – ҳақиқатми ёки шунчаки хабар?”

– Интернет ва ижтимоий тармоқлар ахборот майдонини тўлдириб юборди. Айтингчи, газета ҳозир ҳам керакми?

– Албатта, керак. Газета – халқнинг хотираси, тарихнинг жонли гувоҳи. Интернет ҳеч қачон қоғозли матбуотни сиқиб чиқаролмайди, улар бир-бирини тўлдирishi керак. Газета – чуқур таҳлил ва фикр манбаи, интернет – тезкор ахборот воситаси. Иккаласининг ҳам ўрни бор. Интернет ахборот тезлигини таъминлайди, лекин чуқур таҳлил ва жамият руҳини англаш газетамизда сақланиб қолган. Журналистика – одамлар орасидаги ишонч ва ҳақиқат кўпригидир. Газета воқеаларни ёритиш бариберида жамият қалбида юксак ҳис-туйғуларни уйғотади, халқнинг эзгу орзуларини ва изтиробларини акс эттиради.

– Ижодингизда сатира ва юмор ҳам кўп учрайди. Бу нимадан далолат беради?

– Ҳа, мен сатирани яхши кўраман. Чунки ҳазил орқали жамиятдаги огриқли нуқталарни ҳам кўрсатиш мумкин. Юмор – бу нафақат кулги, балки фикр уйғотиш усули. “Муштум” ёки “Шарқ юлдузи” журналларида чиққан илк ҳажвияларим ҳам шу максад билан ёзилган.

– Ҳаётингиздаги энг ёрқин лаҳзалар ҳақида нима дейсиз?

– Мен учун энг улкан мукофот – халқнинг ишончи ва меҳри. Президентимизнинг ташаккурномалари, медаллар ҳам фахр, лекин газетхон “Мақолаингизни ўқидик”, дейишса, шунинг ўзи меҳнатимга берилган олий мукофот.

– Сизнинг даврингиздаги матбуот билан бугунги журналистика ўртасида қандай фарқ бор?

– Илгари газетанинг ҳар бир саҳифаси масъулият билан ёзиларди. Ҳозир эса ахборот оқими шиддатли, тезкорлик талаб қилинади. Бироқ тезликда ҳам аниқлик ва ҳолислик бўлмаса, журналистиканинг қадри йўқолади.

– Ва сўнгги савол. Агар сизга яна бир бор танлов берилиб, яна касб танлаш имкони берилса, яна журналист бўлармидингиз?

– Шубҳасиз, ҳа. Журналистика мен учун касб эмас, ҳаёт мазмуни, қалб амри. Бу йўлда қалб билан ёзмасанг, умр зое кетади. Журналист – жамиятнинг виждони, маданиятнинг кўзгуси ва халқ хотирасидир.

“Жанубий Қозоғистон”
муҳбири.

Обуначиларимиз орасида



Ҳаётини спорт ва ёш истеъдодларни тайёрлашга бахшида этган Тойир Сайдулла ўғли Тойжонов 1955 йили 28 октябрда Туркистон шаҳрида туғилган. Ҳаётда дуч келган кўп синов ва қийинчиликларни мардондоронгиги ўтишида спорт билан ошнолиги катта имконият берди.

Шаҳардаги А. Навоий номи мактабни 1972 йили тамомлагач, 93-сонли ҳунар-техника билим юртида электр-газ пайвандловчи ихтисосини ўрганди. Ўша йиллари Туркистон спорт мактабида эркин курашдан устози Виктор Харитонович Яковенкодан (ҳозир Шимолий Қозоғистонда яшайди) шогирд сифатида кўп фойдали ўғитларни ўрганганлигини ҳурмат билан тилга олади. Ўранғай қишлоғида яшаб истикомат қилган, иқонлик спорт соҳаси дарғаси Ирисқул Сулаймонов 2019 йили нашр қилган “Туркистаннинг спорт тарландари” номли китобида мақоламиз қаҳрамони ҳақида ҳам батафсил

Элим деганни юрт ардоқлайди

АНИҚ МАҚСАД САРИ
ОДИМЛАЁТГАН ОИЛА

Оилавий тадбиркорлик соҳасида кўпларга намуна бўлаётган хонадон соҳибаси Муҳаббат Эргаш қизи таҳририятимиз меҳмони. У билан оила аъзолари иштирокида ташкил этилган оилавий корхоналари, ҳаётда эришяётган муваффақиятлари ҳақида суҳбат юритдик.

– Тадбиркорлик билан шуғуллангунга қадар қаерда, қайси касб соҳиби сифатида фаолият юритдингиз?

– Шимкент шаҳрида, Эргаш Йўлдошев ва Заҳро Ботрихонова оиласида туғилиб, ўсганман. Отам Иттифоқ даврида “21-КМК” корхонасида бригада бошлиғи, онам 45 йил тиббиёт ходимаси сифатида фаолият юритишган. Улар беш фарзандни вояга етказиб, таълим-тарбиямизга алоҳида эътибор қаратишган. Акам Эркин Эргашев 40 йилдан зиёд вақтдан буён автопарк директори. Мен онам каби тиббиёт ходимаси бўлдим, собиқ Қўрғошнинг заводининг поликлиникасида ишладим. Хотинкуприк даҳасидаги Эндокринология диспансерида фаолият юритаётганимда, Мансуровлар хонадонига келин бўлиб тушдим. Раҳматли қайнатам Қорахон ота ўта ишбилармон одам эди, томорқасидан ҳам унумли фойдаланишни биларди, ўғилларининг ҳаммасига уй шароитида ҳам даромад топиш йўллариини ўргатган. Мен дастлаб шу даҳадаги собиқ ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ўқувчи қизларга дарс бердим, сўнг 2001 йилдан бошлаб бизнес оламига кириб келдим. Турмуш ўртоғим Орифбой Қорахон ўғли етакчилигида оилавий тадбиркорликни ривожлантириб, бугунги кунда қатор бизнес ишшоотларига эгамиз. Қурилиш анжомлари дўконлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий мактаблар ва меҳмонхона соҳибларимиз.

– Сизнингча, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қандай салоҳият ва имкониятларга эга бўлиш керак?

– Оиламиз мисолида айтадиган бўлсам, аввало, ўзаро ҳамжиҳатлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бизнес гоёлар ва ташаббусларни биргаликда қабул қилиш, муаммоларни ҳал этишда бир-бирига беғараз ёрдам бера олиш керак.

ЧЕМПИОН ШОГИРДЛАРИ
БИЛАН ФАХРЛАНАДИ



маълумотлар баён этилган. Т. Тойжонов Совет Армияси сафидаги ҳарбий хизматни, Рига шаҳрида ўтаб, ракетачилар дивизиясининг спорт ротасида хизмат қилди. Дивизия чемпионатида курашдан биринчи ўринни, Иттифоқ биринчилигида эса учинчи ўринни қўлга киритганлиги шонли тарих. Шимкентдаги спорт техникумини тамомлаган.

1976 йилдан туман спорт мактабида кураш бўйича мураббий бўлиб ишлади. А. Нурмаханов номидаги вилоят спорт мактабида катта мураббий лавозимида самарали меҳнат қилиб, нафақага чиқди. Вилоят маслаҳатига бир неча марта депутат бўлиб сайланган таниқли спортчи ҳамкасби,

иқонлик Муталлиб Йўлдошевнинг ташкилотчилик, ишчанлик, инсонийлик фазилатлари, унинг тадбиркор ўғли Отабек отаси армонларини рўёбга ошириб, кураш бўйича истеъдодларни жаҳон чемпиони даражасига етказишга муваффақ бўлаётганлигини ифтихор ила таъкидлайди. Иқтидорли шогирдлари – жаҳон чемпиони даражасига эришган Нурахан Утепбергенов ҳамда нуфузли

чемпионатларда ғолибликка эришган Нуржан Асилбеков, Ержан Дуйсенов, Султан Абдуллаев, Яхё Йўлдошев, Фурқат Ваҳобов билан ҳақли равишда фахрланади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Т. Тойжонов; Т. Тойжонов ҳамкасблари ва шогирдлари даврасида.

Муаллиф суратга олган.

Р.С. Ҳамкасблари, шогирдлари, оила-аъзолари, фарзандлари, укалари, қадрдон кудалари спортнинг кураш тури бўйича устаси, таниқли мураббий Тойир Сайдулла ўғли Тойжоновни 70 ёш шукронаси билан самимий муборакбод этади. Таҳририят ҳам фаол жонкуяр бўлган ажойиб инсонга аталган тилаклар ижобатига тилақдош.



Оила бошлиғимизнинг ҳар қандай тақлиф-мулоҳазаларини сўзсиз бажариб келамиз, фарзандлар ва набиралар ҳам у кишининг самарали тавсиялари билан иш қўришади.

Дастлаб Эски шаҳар даҳасида “Қорахон ота” қурилиш анжомлари дўконини очдик. Асосан Ўзбекистондан келтирилган товарларни сотардик. Икки йилдан кейин ўша маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Хуллас, фаолиятимизни кенгайтирдик ва бугунги кунда турли қурилиш ашёлари ишлаб чиқарадиган цехлар, корхоналарга эгамиз. Қозоғистонда хориждан келтирадиган қурилиш ашёлари бўйича бевосита воситачилик (дилерлик) хизматларини ҳам ўз зиммамизга олганмиз. Тўйхона бизнесида ҳам ўзимизни синаб кўрдик.

– Мактаблар қуриш гоёси қандай пайдо бўлди?

– Маълумки, Туркистон вилоятида, Шимкент шаҳрида бола туғилиши кўп. Табиийки, болаларга боғчалар, мактаблар зарур. Бизда мактаблар танқислиги туфайли ўқувчилар учун нафақа бўлишига мажбур эди. Бу эҳтиёжни қоплаш фақат давлат ҳисобидан эмас, балки хусусий шўъба томонидан ҳам амалга оширила бошлангач, шу соҳада ўзимизни синаб қўришга киришдик. “Даму” тадбиркорликни ривожлантириш жағмармасидан имтиёзли насия олдик ҳамда “Халқ банки”нинг қўллаб-қувватлаши билан 2001 йилда Шимкент шаҳри, Арал кўчасида жойлашган “Жас-Дарын-4”

оилавий тадбиркорликни юртишда муносиб давомчиларимиз. Набираларимиз ҳозирча 10 нафар. Тўнғичлари пойтахт шаҳарларда олий маълумот олишмоқда, насиб этса, иш жойлари тайёр, бизнесимизни давом эттиришади. Оилавий бизнеснинг яхши томони ҳам шундаки, мол-мулк, хусусийлик узвийлиги бор, рағбатлантирувчи, йўл-йўриқ ўргатувчи катталар – устозлар бор.


– Касбингизда учраб турадиган тўсиқ ва қийинчиликларга тўхталсангиз.

– Ҳар қандай фаолиятнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари ва муаммолари бор. Бироқ шулар ичиди бизнес йўли, шубҳасиз, энг масъулиятли ва тинимсиз меҳнатни талаб қиладиган соҳа экан.

Тижорат ишлари, молиявий муносабатлар, ташкилотлар билан ҳамкорлик – буларнинг барчаси инсондан билим ва қобилият, жасорат, бардош ва ҳалолликни талаб қилади. Тадбиркор учун энг асосийси – омонатга хиёнат қилмаслик. Чунки у ўз оиласи, ишчи-ҳодимлари, мижозлари ва ҳамкорлари олдиди ҳам жавобгар. Иш ҳақини вақтида тўлаш, солиқ мажбуриятларини бажариш, молия ташкилотларидан олинган қарзларни вақтида қайтариш, маҳсулот сифатини таъминлаш – буларнинг ҳар бири масъулият мезонидир. Шунингдек, бозордаги рақобат, хомашёни қайта ишлаш, савдо жараёни, истеъмолчилар талаблари каби масалалар ҳам тадбиркорнинг кундалик таъвишлари қаторида. Оила аъзоларимиз билан камдан кам ҳолларда бир дастурхон атрофида ўтириб, овқатланамиз. Ҳамма ишда, каттаю кичик банд. Турли тармоқларда бизнесни ташкил қилиш, бошқариш ва уларда фаолият юритиш, бу осон эмас, албатта. Аммо Яратганга шукрки, ҳаёт ва соғлиқ каби ато этган имкониятларидан фойдаланиб қолиш керак. Насиб этса, энди яқин келажақда замонавий меҳмонхоналаримизни (M GREEN PARK HOTEL) очишда давом этиб, оилавий тадбиркорлигимизни янада кенгайтирамиз.

– Ишларингизга омад, суҳбат учун раҳмат.

Н. МАВЛОНОВА.



Эски Иқон қишлоқ округи аҳоли сони жиҳатидан Саерон туманидаги энг катта ҳудуд ҳисобланади. 2025 йилнинг 1 июнигача бўлган маълумотга кўра, аҳолининг умумий сони 21005 киши. Эски Иқонда 19404, Машҳур Жусип қишлоғида 1269 аҳоли йшайди.

Шимкент–Самара тош йўли (Ҳозирги Ғарбий Хитой – Ғарбий Европа халқаро магистрал)нинг бўйига жойлашган бўлиб, вилоят марказидаги автовозалгача 12 км, Ҳазрат Аҳмад Яссавий мақбарасига 20 км масофада. Қишлоқдан Буюк Ипак йўли ўтган.

Туманнинг жануби-шарқий ҳудудида жойлашган. Ер майдони: 41758 гектар.

Якка ҳўжаликлар, тургун уйлар – 2724. Нафақадаги меҳнат фахрийлари – 923. Қозоқлар – 2234, ўзбеклар – 18269, тожиклар – 47, уйғурлар – 43, озарбайжонлар – 37, руслар – 16.

Қишлоқ текис ҳудудга жойлашган. Халқ-и меҳнаткаш, бу замин пахта, бог-роғ, мева-сабзавот, полиз ва бошқа дала экинларини етиштиришга қўлай, сув тақчил, қиши анча қаттиқ, шамолли кучли.

бта масжид бор, биттаси Машҳур Жусип аҳоли манзилида. Касбий билимдаги кўп соҳали коллеж, Муталлиб Йўлдошев номидаги вилоят спорт мактаби, “Иқон” мактаб-гимназияси, 7та умумтаълим мактаблари, шундан биттаси Машҳур Жусип аҳоли манзилида, 8та мактабгача таълим муассасалари – болалар боғчалари, қишлоқ округи ҳокими девони, қишлоқ Маданият уйи, Миртемир номидаги адабиёт музейи, “Иқон китобсеварлар клуби”, 2та кутубхона (мактабдагилардан ташқари), халққа хизмат қўрсатиш маркази, “Туркистон-Насия МЧБ” банки, ломбардлар, 2 та нотариал хизмат кўрсатиш идораси – нотариус, 2та шифохона-касалхона, биттаси Машҳур Жусип аҳоли манзилида, 10та дорихона, 2та ёғзи спорт майдончалари (мактаблардаги спорт залларидан ташқари), “Қазпошта” АТС бўлими, пахта қабуллаш пунктлари, пахтани қайта ишлаш заводи ва цехлари, аҳолига хизмат қўрсатиш касалналари, тўйхоналар, савдо дўконлари, ЕКШлар ишлаб турибди.

Иқон қишлоғи 2200 йиллик тарихга эга эканлиги тўғрисидаги расмий ҳужжат қишлоқнинг собиқ ҳокими, Туркистон шаҳри ва Сайрам тумани ҳокими ўринбосари, ҚР ўзбеклари “Дустлик” ҳамжамиятининг раиси бўлиб ишлаган жамоат арбоби, Иқон ва Иқонийлар тарихини ўрганиш ғоясининг ташаббускори, жонқуяр таҳлилчи, Ошиқ Юсуф ота жамғармаси, “Тожиниса она” болалар боғчаси таъсисчиси, Ошиқ Юсуф ота мажмуасининг меъмори (Мухаммаджонов Яхшилик (Ёқубжон) билан ҳамкорликда), Шайх Аҳмад Иқоний (Оқ авлиё ота) мақбарасининг лойиҳасини тайёрловчи (Исоқов Ҳакимбек билан ҳамкорликда) ва Ошиқ Юсуф ота жамғармиси ҳамда ҳомийлар орқали Ҳашар йўли билан амалга оширишга раҳбарлик қилаётган фидойи инсон, қишлоқ кураш федерациясининг президенти, “Иқон китобсеварлар клуби” асосчиси, Ўзбекистондаги Халқаро адабиёт, санъат, маданият ва ижтимоий фанлар академиясининг академиги Раҳматжон Абдусаттаров кўлида сақланмоқда.

ИҚОН ҚАЛЪАСИ

(IX-X-XVIII асрлар) – умумий майдони 4,7 гектар.

Давлат муҳофазасидаги тарихий ёдгорлик қишлоқнинг марказидаги тош йўл бўйида жойлашган. Ёдгорлик ўрта асрдаги Иқон қалъасининг қолдиғи ҳисобланади. Илмий-археологик манбаларда Култела деб ҳам кўрсатилади.

Бундай Култепалар Сирдарё ёқасида эрамиздан аввалги IV-V асрларда мавжуд эди. Эрамизнинг биринчи минг йиллигида қўплаган шаҳарларда, қишлоқларда кўргонлар қурилишлари пoвнмига етказилган.

Иқон шаҳарчаси XX асрнинг бошидан тарихчи, археологлар эътиборида. Барча тарафидан янги ишоотлар бунёд этилган. Фақат қитдаегилина сақланиб қолган.

Душманлардан сақланиш учун қишлоқ аҳолиси эни 1,5 метр, баландлиги 5 метр бўлган девор билан қуршалган қалъа ичида яшаган. Кўргоннинг түрт томонида түрт қопқаси (дарвозаси) бўлган. Бу қопқа(дарвоза)ларга географик жойлашишга қараб номлар берилган. Шарқи-жануб томондан Иқонга кириш дарвозаси иқонча талаффузда “Улқопқа” (“Улуғ қопқа”), жануби-ғарб томонидаги “Сабо-та” (“Саҳоба ота”), ғарби-шимол тарафи “Қишқопқа” (“Ғишт қопқа”), шимоли-шарқ томонидаги дарвозаси (Тавут) (“Ҳазрати Довуд”) деб номланган.

Кўргон деворлари энли ва баланд бўлиб, ҳар бир дарвоза атрофидаги девор устида қоровуллар бўлган. Аҳоли кўргондан ташқарига чиқиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Қоровуллар девор устида атрофни назорат қилиб юрган. Қўлида байроғи билан қоровуллик қилган бир қарияни қоровулбобо авлоди деб аташган. Жаҳонга машҳур ҳамқишлоғимиз, Ўзбекистон халқ шоири, Миртемир Турсунов шу авлодга мансубдир.

Душман ҳужуми хавфи туғилса, қоровуллар байроқни кўтариб, кўргон ичига

кириш белгисини берганлар. Ташқаридагилар кириб бўлгач, дарвозалар қўлланган. Ташқарида қолганлари босқинчилар қул қилиб ишлатган ёки сотган. Ота-боболаримиз шу тарзда ҳаёт кечирган. Кўргоннинг катта тепа бўлиб қолишининг сабаби – ташқарига чиқиб, ҳеч ким уй (бошпана) сололмаган. Хом ғиштни ташқарида қуйиб, ичкарига олиб кириб, уй солишган.

Бундан 75 йил бурун ҳозиргидан анча баланд бўлиб, энг тепасида сўнгги солинган уйларнинг қолдиқлари, деворлари бўлар эди. Ҳуқувчилик пайтимизда (1950-1960 йиллар) жисмоний тарбия ва табиат дарсларида ўқитувчиларимиз шу тепага олиб чиқишарди. Жисмоний тарбия дарсида шу тепаликдаги деворлар устидан югуриб машғулотлар ўтказганмиз. Табиат фани дарсида тепадан қишлоқнинг түрт томони яқол кўриниб турарди.

Туркистондаги ҳарбий қисмнинг бир гуруҳ аскарлари ҳам шу тепаликда ҳарбий машғулотлар ўтказганларини эслаймиз.

“Иқан қалашығы” деб номланган бу тепанинг устида сандиқ ҳажмидаги – Кўк-тошнинг узунлиги 1,5 метр чамасида, эни 40 см, баландлиги 60 см келади. Қабр тошнинг икки томонида “Султон Ғози ўғли Султон Нур” исми ва ҳижрий йил билан ёзилган саналар бор. Уни милодий илгга айлантирсак, 1550 йилга тўғри келади. Демак, бундан салкам 5 аср бурун ҳам Култела шундай ҳолатида бўлган.

Лашкарбоши Султон Ғозининг 12-13 ёшлардаги ўғли Султон Нур йўлда вафот этиб, Иқонда тўхтайди, тошнинг ичини ўйиб, майитни шунга жойлаб ернинг бетига қўяди. Кейинчалик (1965 йиллар атрофида), бу тепаликдан бозор очиш, бог-роғлар барпо этиш мақсадида бир неча бор тепаси текисланди, 1000 метр чуқурликдан ўзи отилиб чиқадиган кудук (артезиан кудуги) қазилди. Лекин юқорида айтилган ишларни амалга оширишнинг иложи бўлмади. Сабаби, тепанинг ичи ғовак бўлганлиги ва доимий сув оқиб турганликдан тепа ўрнашиб, йиллар давомида сезиларли даражада паст тушиб кетди.

2020 йили қишлоғимизнинг тарихий ўтмиши ва келажаги жонқуяри, “Фидойи иқонликлар” (2020 йил май ойида ёруғ кўрган) китобининг муаллифи Абдуғаффор Болтаевнинг саяё-ҳаракатлари билан сув пластмасса қувур орқали пастга, зовуруга қўйлиди.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Тепадаги оилалар кўргон ташқарисига кўчиб чиқа бошладилар. Юқорида аталган түрт қопқадан түрт тарафга кўчиб чиққан оилалар қўлайлиб, маҳалла бўлиб кенгайган.

XX асрнинг ўрталаридан Иқон қишлоқ-ининг ичидан учта ариқ ўтар эди. Туркистон тарафдан Иқонга кираверишда “Чўқир ариқ”, Иқоннинг ўртасидан ўтган “Кантариқ”, шу пайтдаги Иқоннинг марказини “Кант” (“Кент” дегани) деб аташарди. Шунга асосланиб қўйилган ном. Учминчиси, Иқондан Шимкентга қараб чиқаверишдаги ҳозирги Ҳамид Олимжон кўчаси бўйлаб ўтган “Паттарияқ” (Бекат участкасида). Бундан 40 йиллар бурун, 1980 йилларда бу ариқ йўлак билан бекилиб қолган.

ЮСУФ ОТА МАҚБАРАСИ

Иқон қишлоғи айланасида Бойбалиқ (Бой шаҳар), баъзи манбаларда Мойбалиқ (Мойли шаҳар) бизнинг эрамиздан аввалги II–I–IV–VIII асрлар, Ёнасар (Янги шаҳар), IV –XIII асрлар, Юсуф Ота қароргоҳи (Жўсип ата қонысы) (ҳозирча аниги II–XIII–XIX асрлар) жойлашган.

“Бойбалиқ” – Иқоннинг жанубий ғарбида 5-6 км масофада. Бу ерда аҳоли чорвачилик, балиқчилик билан шуғулланганлар. Қалъа жанубига жойлашган Ўтрор шаҳри учун бекат, қоровул, хабарчи вазифасини ҳам бажарган. Умуман, Иқоннинг Ўтрор шаҳри билан алоқаси мустаҳкам бўлган.

Қишлоқнинг шарқидаги түрт километрча масофада – ҳозирги Иқондан Шимкентга чиқавериш йўлининг шимолида эски тепалик харобалари бўлар эди, бу эса Ёнасар (“Янги шаҳар” маъносида) қишлоғи бўлиб, бу ерда ҳам асли иқонликлар ота-боболари манзилидан бўлиниб чиқиб яшаганлар. 1963 йил совхоз ташкил этилгач, бу қишлоқ харобалари текисланиб, экинзорларга айлантирилган.

Юсуф ота мақбараси Иқон қишлоғидан Шимкент тарафга чиқаверишда ўнғ кўлда йўл бўйидан 300 метр масофада жойлашган. “Ҳазрат Султон” давлат тарихий-маданий қўриқ-музейига қарашли ёдгорликлар тизимида давлат муҳофазасидаги ёдгорлик ҳисобланади. Бу ерда биринчи «Ескі Иқан қалашығы» (X-IV асрлар, майдони 15,6 га) ва “Жўсип ата кесенеси” (XIV аср, 1,5 га) деб номланган иккита ёдгорлик мавжуд.

Юсуф отани маҳаллий халқ Ошиқ Юсуф ота, яъни, “Аллоҳга ошиқ” деб атаганлар. У Аҳмад Яссавийнинг замондоши, шоғирди ва жияни бўлиб саналади. Ошиқ Юсуф ота ўзи тириклик вақтидаёқ авлиё даражасига етган. Унинг энг катта каромати Шом (Дамашқ) шаҳрининг ҳукмдори Йўлбарс хонни – тўқсон тўққиз минг машойишиси бошлаб келган дин пешвосини Сирдарёдан бир чи-виқининг кучи билан ўтказиб олганлиги (чи-виқни бир солганда дарё иккига бўлиниб кетибди) бўлиб саналади.

Ахмад Яссавий Иқонга – Юсуф ота қишлоғига (ўша пайтда Юсуф ота Иқоннинг ҳокими бўлган) меҳмонга келганда Иқоннинг ноон-патирлари ва 12 хил узумлари билан кутиб олади. “Сенинг авлодиндга каромат кўнган, түртинчи наслинг (Қамолиддин Шайх) каромати зўр, авлиёликка етади”, дейди.

Қамолиддиндан Сулаймон, ундан Умар, Жиян, Сиддиқ деган насллар қолади. Жияндан Иқон хўжа, ундан Ота хўжа, ундан Шарафиддин хўжа, ундан Румхон хў-

жа... давом этади. Умар билан Сиддиқнинг насллари ҳам Иқонда туради. Сиддиқнинг фарзандлари: Кўрбонхўжа, Пошшахўжа, Тошхўжа, Аҳмадхўжа, Отахўжа, Норо, Потма, Зўра.

Пошшахўжа бобомизнинг фарзандлари қуйидагича бўлган: Абдулмуҳит, Абдумалик (Малик), Абдулаҳат (Абдиш), Мўғро, Маво, Мино, Минтаҳо, Уммаҳо (Умуш), Ирсой.

Ахмадхўжанинг фарзандлари: Оппоқхўжа, Мамматхўжа, Шами, Пари. Оппоқхўжанинг ўғиллари: Исахон, Мусахон, Шо-кирхон, Фурқат, Суръат, қизлари Мушоира (Мишира), Махфират (Мопон), Шахира (Шоира).

Мамматхўжанинг ўғиллари: Ирисқул, Хурсандбек, қизлари Ояш. Каромат (Кара-ш), Саломат (Таманой).

Отахўжанинг фарзандлари: Зайнобиддин, Зарбиддин, Мохида, Ҳури, Шохида, Ирсибка, Ирсилиқ. Зарбиддиннинг ўғиллари: Мўхиддин (Фарҳод), Баҳодир (Сори бола), қизи Зохида.

Пошшахўжа ўғли Абдулмуҳит хўжа, қизи Ояш, Абдумалик (Малик) хўжанинг ўғиллари: Абдуҳаким, Абдурашид, Абдугани, Абдусамад, Абдували, Абдулазиз, Абдумажид, қизи Мавлуда.

Пошшахўжа ўғли Абдулаҳат (Абдиш) хўжанинг ўғиллари: Абдулвоҳид, Бахтиёр, қизлари Бекзода, Мохин, Махсума, Насиба, Ҳабиба, Муҳайё.

Пошшахўжа бобомизнинг түртинчи қизи Минтаҳо ая – менинг онам бўладилар. Ошиқ Юсуф ота, Шайх Қамолиддин Иқонийлар менинг она томонимдан бобом бўладилар. (Муаллиф).

Иқон тўғрисидаги энг дастлабки маълумотларни Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг “Насабнома”сидан (XIII аср), Ҳафиз Танишининг XVI асрга оид манбаларидан биламиз. У Бухоро хони Абдулла II нинг 1582 йилги “Ёрлиғи”ни (Жорығын) кўрсатиб ўтириб, хон ўз аскарри билан Иқонга тўхтаганилигини ёзган. Шу билан бирга, Иқон энди катта шаҳрлар қаторида XVIII асрнинг биринчи ярмида Жадик Султон авлодидан Қудайменде Султоннинг ўғли “Улуғ жуз” Турсинхонга 1712-1717 йиллар оралиғида пойтахт вазифасини бажарган. Кейин унинг ўғли Бароқхон ҳам 1749-1750 йиллари Иқонни пойтахт этган. Бароқнинг ўғиллари Сигай билан Бўкейхонлар ҳам тахтга ворис бўлганлари билан Сигай отаси билан бирга 1750 йилда вафот этади. Бўкейхон 1816-1819 йиллари Қарқарали тоғлари, Кереку истеҳкомларининг айланасида найман, аргин тоифаларига ҳукмронлик қилгизди. Буларнинг ҳаммаси Туркистонга дафн этилган.

XVIII асрда атоқли тарихчи П.И.Ричков “Оренбурґ губерниясининг топографияси” номли мақоласида 1762 йили Иқонда 300га яқин уй бўлганлиги ҳамда унинг аҳолиси деҳқончилик билан шуғуллангани айтилган. Ўрта асрларда Иқон Туркистон ўлкаси шаҳарлари қаторида муҳим рол ўйнаганлиги ёзилган.

“Жилище народов Средней Азии и Казахстана” китобида (Москва, издательство “Наука” - 1982 год) Иқон қишлоғи ўзбеклари ҳақида XVIII аср ва XX аср бошларигача анча маълумотлар айтилган. Халқни ҳисобга олиш мақсадида “1920 йил Бутунроссия ва унга қарам бўлган элларда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган. Туркистон уезди бўйича Сўзоқ қишлоғини қўшган ҳолда 32646 ўзбек, 5005 қозоқ, Чимкент уезида эса ўзбеклар – 39723, қозоқлар – 689 кишини ташкил этган”, деб кўрсатилди.

Туркистон ўлкаси қор Россияси томонидан забт этилгандан кейин аҳоли Иқон қалъасидан ташқарига чиқиб, ҳовли-жой қуриб, янги қишлоқ ташкил толган. 1920 йили ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари Иқонда 3235 киши, шундан 3203 – ўзбек, 28 – қозоқ, 4 – татар миллатига мансуб киши бор деб, кўрсатилган. Иқон қишлоғи Иқон “Волост”лигининг маркази ҳисобланган. Бу ерда бир неча каровсан-ройлар, Туркистон, Чимкент йўлида савдо маркази бўлганлиги қайд этилган.

ИҚОН СЎЗИНИНГ ТУШУНЧАСИ

“Иқон” сўзи сўфийлик илми тасаввуф билан боғлиқ атама бўлиб, ишонч, эътиқод деган маънони билдиради.

Профессор Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” китобида қуйидаги маълумотлар келтирилган: "... Кўринадики, Нажмиддин Кубро ранглар ва уларнинг маъноларидиғи етти ранг ҳислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган. Унингча, оқ ранг – исломни, сарик ранг – имонни, зангори ранг – эҳсонни, яшил ранг – итимоонни (ишончни), кўк ранг – иқонни (тўлиқ ишончни), қизил ранг – ҳаяжонни (хайратни) аңглатади...". Парчадан маълум бўладики, “иқон” сўзи – “тўлиқ ишонч” деган маънони билдирад экан. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “имон” сўзига Худого бўлган ишонч, эътиқод деб изоҳ берилган. Демак, имон, ишонч, эътиқод сўзлари бир хил маъно беради. Эътиқод сўзига эса (тўлиқ ишонч), имон деб изоҳ берилади, чунки, имон, иқон (тўлиқ ишонч), эътиқод деган сўзлар бир хил маънони билдиради.

Ҳамқишлоғимиз, Ўзбекистон халқ шоири Миртемир домла ҳам “иқон” сўзини тўғридан-тўғри имон, эътиқод деб тушунтирган.

Қозғоистон ССР Вазирлар Кенгашига 13 йил расиблик қилган ҳамюртимиз, Учқайиқ қишлоқ округидан чиққан давлат ва жамоат арбоби Нуртас Ўнғасинов 1969 йили нашрдан чиққан “Арабча-қозоқча изоҳли лугат” китобида “иқон” деган сўз – ишонувчанлик, аниғини билиш, ишонч деган маънони билдиради”, деб ёзган.

“Итқон”, “Атқон” атамалари қаердан келганлиғига эътибор берсак, бизнинг туркий халқларининг грамматикасида “Итқон”, “Атқон” сўзлари умуман талаффузда бўлмаган. Бу атамалар араб имлоларининг та-

лаффуз қоидаларидан келиб чиққан бўлиб, “И” товушини “Ит”, “Ат” тарзида ишлатган.

Хожа Аҳмад Яссавий, Ошиқ Юсуф ота, Шайх Аҳмад Иқоний (Оқ авлиё ота) – (XI – XII асрлар), Шайх Қамолиддин Иқоний (XV аср) меросларида, Абдуллахон II (XVI аср), Турсинхон (XVIII аср), Бўкейхон (XVIII аср), Миртемир Турсунов (XX аср), Нуртас Ўнғасинов (XX аср)нинг манбаларида ҳам “Иқон” дейилган.

ИҚОНЛИК БУЮК АЛЛОМАЛАР ШАЙХ АҲМАД ИҚОНИЙ (Иқонда “Оқ авлиё ота” деб аташади)

Шайх Аҳмад Иқоний 977 йилда Иқонда туғилган. Ҳазрати Аҳмад Яссавийнинг шоғирди ва маслақдоши. Ҳазрати Аҳмад Яссавийдан 26 ёш катта бўлган. Шайх Аҳмад Иқоний доим оқ кийимда, оқ эшакда юргани учун у кишини Иқон халқи “Оқ авлиё бобо” деб атаган эканлар. Ҳазрат Аҳмад Яссавий Туркистоннинг ҳокими сифатида Иқонга ташриф буюрганда Иқон қишлоғининг ҳокими Ошиқ Юсуф ота уйда йўқ эканлар. Шунда уйдагилар Аҳмад Яссавийга Ошиқ Юсуф отанинг Шайх Аҳмад Иқонийни қуришга кетганлигини айтган.

Улуғ аллома Аҳмад Яссавийнинг тақлифи билан XII асрда дунё тамаддуни ҳисобланган Бағдод шаҳрида ўтган ислом уламолари анжуманида қатнашиб, илк бор шайхлик унвонини олган Иқондан чиққан аллома.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) улугларидан кейин келган 11 Аҳмад шайхлардан бири. Замонасининг улуг алломаси Оқ авлиё ота ўрта аср маърифати ва маънавиятига катта ҳисса қўшган аллома. Ҳозирги даврда Оқ авлиё ота (Шайх Аҳмад Иқоний) ҳаёти ва мероси Қозғоистон, Ўзбекистон, Туркия давлатлари олимлари томонидан ўрганилмоқда. Ҳазрати Яссавийнинг “Насабнома”сидаги муҳрда Ҳазрати Шайх Аҳмад Яссавий билан бир қаторда Шайх Аҳмад Иқоний ҳазратлари ҳам тасвирланган.

ҚАВОМ-АД-ДИН АЛ ИТҚОНИЙ(ИҚОНИЙ)

Қавом-ад-дин ал Итқоний (Иқоний) ал-Форобий ат-Туркистоний 1286 йили Иқонда туғилган. У дастлабки билимни ўз ватанида олиб, сўнгра Иқон мадрасаларининг бирида устозлик қилган. Ўтрор масжидида имомлик этиб, шу сабабли Ўтрор имоми аталиб, шундан сўнг Сурия, Ироқ, Мисрда умр кечириб, Қоҳира мадрасаларини бошқарган, мудarrisлик қилган (дарс берган). Машҳур уламо, олим бобомиз 1357 йили Қоҳирада 73 ёшида оламдан ўтган.

XII асрнинг охири, XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган улуг олимнинг умри ва мероси тўғрисидаги маълумотларни Шайх Абсаттор ҳожи Дербисали Туркия, Сурия, Миср, Ироқнинг қўлзма жамғарма (фонд) ларидан толиб, элига, бугунги авлодга етказганлигини таъкидлаган.

Абу Наср ал-Форобийдан кейинги буюк шахс, Қавом-ад-дин (Иқонча Қавмиддин) ал-Итқоний ал-Форобий ат-Туркистоний Ўрта асрларда ҳозирги Иқон деб аталадиган қишлоқда туғилган. 31 ёшгача Ўтрорда имомлик қилган, билим излаб Самарқанд, Бухоро, сўнг Дамашққа йўл олган. Бағдодда 25 йил қози бўлган. Ойлали бўлгач, Қоҳирага кўчиб истиқомат қилган.

Мисрнинг Ўрта асрларда яшаган Ибн Танґриберди, ал-Макризид, Ибн Касир, ас-Суутий ҳамда бошқа файласуфлари у тўғрисида қалам тебратганлар. Ўз асарларида улар Қавом-ад-динни “Қоҳирага шаҳар ҳокими Сарғатмиш қақирган”лигини айтганлар. Унда Қавом-ад-дин мадрасада устозлик қилган.

Унинг Қоҳира, Дамашқ, Қувайт, Туркия, Голландия, Ўзбекистон, Россия каби 40га яқин мамлакат кутубхоналари ва қўлзма жамғармаларида ўндан ортиқ трактатлари сақланмоқда.

Миср амира бўлган Тугрил Иқоний, ҳатто Саид Жалол Иқонийлар ҳам араб мамлакатларида яшаб ижод этган.

ИҚОН-ҚОРАБУЛОҚ ШЕВАСИ ТЎҒРИСИДА

Иқон-Қорабулоқ шеваси хусусида тўхналиш ўринлидир. Хоразм шевасига яқин келади. Асосан, сўзларнинг охирида келадиган - ми сўроқ юкламаси - на тарзида талаффуз қилинади. Масалан: бордингми, келдингми//бордингна, қадингна, сўзлашдингми - сўзлашдингна, кун совуқми - кун совуқна ва ҳоказо.

Туркистон вилоятида Иқон-Қорабулоқ шевасида гапирадиган бешта қишлоқ бор. Эски Иқон (Иқон), Янги Иқон (Ибота-Ибодулла ота), Сайрам туманининг Қорабулоқ, Қўлкент (Қизилқишлоқ) ва Арис қишлоқлари.

ҚАБРИСТОНЛАР ТЎҒРИСИДА

Қишлоқда саккизта қабристон бўлган. Шулардан бештаси мавжуд. Кейинги йилларда қабристонларни тартибга келтириш, тозалаш ишлари анча йўлга қўйилмоқда. Қозғоимиздаги қабристонларни тартибга келтириш ва ободонлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатиб келаятган ҳамқишлоқларимиздан баъзиларининг номларини атаб ўтишни лозим топдик. Зуппархонов Бахт, Исоқов Ҳакимбек, Исоқов Муслимбек, Абдусаттаров Раҳматжон, Нишонбоев Дониёр, Муҳаммаджонов (Ёқубжон) Яхшилик, Муборакнов Набиҳон ҳожи, Тожиметов Беглархон, Муҳаммаджонов Тўлқин, Эшонов Сабриддин, Урмонов Абдуғаффор, Салаев Нуриддин Акбар ҳожи, Атахонов

Фарҳод, Бегларов Аҳмаджон, Мамараимов Руслон, Камолов Ихтиёр, Тажиметов Улуғбек, Абдусаттаров Абдушукр, Атаханов Хурмат, Тошбоев Радж, Зуппархонов Акабой, Шораймов Фахриддин, Мавлянов Бобожон, Саттарханов Азизхон ва бошқалар.

ҚИШЛОҚДА ҚҲЙИДАГИ ҚАБРИСТОНЛАР БЎЛГАН

“Юсуф ота”, “Оқ авлиё”, “Чўқир ариқ”, “Саҳоба ота”, “Кўл ховуз”, “Улуғ қопқа”, “Шамол ота”, “Халлик бобо”.

Баъзи эски қабристонлар текисланиб, ўрнига янги қурилишлар тушиб кетган.

ҲОЗИРДА АМАЛДАГИ ОЧИҚ ҚАБРИСТОНЛАР

- “Юсуф ота”.
- “Оқ авлиё”.
- “Хожихил”.
- “Қолмоқ”.
- “Ҳусайн ота”.

ИҚОН АТРОФИДАГИ ЖОЙ НОМЛАРИ

- Унгут.
- Шамол ота.
- Бойбалиқ.
- Чўқа кўл.
- Қўмчиқ.
- Ёйилма.
- Чет ариқ.
- Янтоқчиқ ариқ.
- Музбел.
- Бой кўргони.
- Итсийқат тепа.
- Етти тепа.
- Султон тўғон.
- Мат бот.
- Ҳаллик бобо.
- Қизил ёр.
- Тегирмонлар.

ИБОТА (ИБОДУЛЛА ОТА) – ЯНГИ ИҚОН ҚИШЛОҒИ

Иқондан ажралиб чиққан қишлоқларнинг энг кенжаси Ибота қишлоғидир. 1913-1914 йилларда Иқондан бта оила Иботада қишлаб қолади. Ёз кунлари тоғ ва булоқ сувлари Иқонга етиб келгунча камайиб қолган. Қишлоқ ахли сувга яқинроқ бўлиш мақсадида у ерга кўчиб боришга мажбур бўлган. Саидмурод бўлисининг оқилона тақлифи билан 1913-1914 йиллари қишга мослаб уй-жой қуришга қурби етадиган 6 оила биринчи марта Иботада қишлашга рози бўладилар. Кўчиб

Туркистон шахри
Замир Олимжон ўғлига!

Туркистон шахрининг фахрий фука-
роси, кўп йиллар саноат корхоналари,
шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ҳамза номли мак-
таб раҳбари сифатида самарали меҳнат
қилган, меҳнатлари муносиб баҳоланган,
“Жанубий Қозоғистон” газетаси обунаси-
нинг фаол жонқуяри Замир Олимжон ўғли

Муҳаммаджоновни 25 октябрь таваллуд
куни муносабати билан муборакбод этиб,
мустақкам саломатлик, вилоят ЎЭМБ
раиси ўринбосари фаолиятидаги жамоат
ишларига омад, саодат тилаймиз.

Тахририят, вилоят ЎЭМБ бошқаруви,
Ҳамза номли мактаб жамоаси.

Ўваҳбайт

“НОЗ ИЛА ҲУСН ЎЛДИ
ШОҲИДЛАР ИШИ,
ДАРДУ МЕҲНАТ БИРЛА
ХУШТУР ЭР КИШИ”.
Алишер НАВОЙИ.

(Мазмуни: “ГЎЗАЛЛАРНИНГ ИШИ –
ҲУСНИНИ НАМОЁН ЭТИШУ НОЗ-ИШВА ҚИЛИШ. ЭР КИШИ-
НИНГ ЗИЙНАТИ – ТАШВИШУ МАШАҚҚАТ”).

Кун ҳикмати

“КИШИНИНГ БУЮКЛИГИ БЎЙИНИНГ БАЛАНДЛИ-
ГИ БИЛАН ЎЛЧАНМАГАНДАЙ, ХАЛҚНИНГ БУЮКЛИГИ
ҲАМ УНИНГ СОНИ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ. БУНДА ЎЛ-
ЧАМ СИФАТИДА УНИНГ АҚЛИЙ КАМОЛОТИ ВА МАЪ-
НАВИЙ САВИЯСИ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ”.

Виктор ГЮГО,
француз ёзувчиси.

»» Тўйхат ўрнида



Оқилу доно файласуфлар қаламига мансуб ушбу ибратли иқтибос ҳудди тахририят ходим-лари, ижодкорлар, муҳаррир-ларнинг серзаҳмат фаолиятига, тахрирталаб сатрлар устида қалб қўри ва кўз нурини бахши-да этаётган шахслар меҳнатига битилгани яққол сезилиб туриб-ди.

... Куз фаслининг ажойиб ва бетакрор лаҳзаларида ҳаётини ижодга, маърифатга, маъна-виятга бағишлаган устоз-қа-ламкаш, таҳрир санъати устаси, журналист ҳам таржимон Ислом Мавлон ўғли қутлуг ва муборак 70 ёшни қарши олмақда. У на-фақа гаштини сураётган эса-да, хали-ҳануз сафда, таҳрир ил-мини улугламақда. Айни пайтда “Адабиёт ва санъат” газетаси раҳбари сифатида фаолият юритмоқда. Бир пайтлар Сай-рам туман собиқ «Меҳнат бай-роғи», ҳозирги «Сайрам садоси» ҳамда «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газе-таларидаги қатор сермазмун ва сара мақолалар муаллифи ҳам айнан Ислом Али Ниёз эди, де-сак муболага қилмаган бўламиз. – 1955 йил 28 октябрда Қо-рабулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Мавлон ва Зулфия Ниё-залиевлар хонадонида дунёга келганман, – дейди мақоламиз қаҳрамони. – Падари бузрук-



ворим умрбод деҳқончилик, теғирмончилик билан машғул бўлган. Волидаи муҳтарамамиз меҳрибон, ширинсўз эдилар, «жонимни қоқай, гиргиттонинг бўлай» каби илҳомлантирувчи сўзлари биз, фарзандларнинг маънавиятли, маърифатли ва маданиятли шахс сифатида ка-мол топишимизга сабаб бўлган. Уларнинг қарашлариданок нима демоқчи бўлишаётганини биз ўқиб олардик. У оилада ўғил болаларнинг кенжаси бўлганлиги боис мак-табга бормаёқ акаларидан ўқш ва ёзишни ўрганиб олган эди. 1962 йили Қорабулоқ қиш-логигадаги М. Улуғбек (собиқ А. С. Пушкин) номли мактабнинг биринчи синфида ўқишни бош-

Ўчирғич қаламга деди: «Ҳолинг нечук, дўстим?» Қалам ғазаб билан жавоб қайтарди: «Мен сенинг дўстинг эмасман. Сени ёмон кўраман». Ўчирғич даҳшатга тушиб, маҳзун ҳолда деди: «Нечун?» Қалам деди: «Чунки сен менинг ёзганларимни ўчирасан!» Ўчирғич деди: «Мен фақат хатони ўчираман». Қалам деди: «Хато бўлса, сенинг нима ишинг бор?» Ўчирғич айтди: «Мен ўчирғичман, менинг ишим шу!» Қалам айтди: «Шу ҳам иш бўлибдими?» Ўчирғич деди: «Сенинг ишинга каби фойдали иш». Қалам деди: «Сен хатокор, мағрурсан. Ўчиришдан кўра, ёзиш афзал». Ўчирғич деди: «Хатони ўчириш тўғриси ёзиш билан тенг». Қалам жим бўлиб қолди. Сўнгра бироз маҳзунлик билан сўради: «Нима учун кундан-кунга кичра-йиб боряпсан?» Ўчирғич деди: «Чунки ҳар гал бир хатони ўчирганимда ўзимни қурбон қилиб бораман». Қалам бўғилган овозда деди: «Ўзим ҳам аввалидан қисқариб бораётганимни сезяпман». Ўчирғич қаламни юпатиб, «Ўзимизни бировларга фидо қилмаганимизча, уларга фойда бера ол-маймиз», деди. Сўнгра унга меҳр билан назар солиб, «Ҳалиям мени ёмон кўрасанми?» деди. Шунда қалам табассум қилиб, «Қандай қилиб сени ёмон кўрай, ахир иккимиз ҳам фидойилар эканмиз-ку», деди. Қадрдоним, бировлар қалбига шодлик ёзادиган қалам бўла олмасанг, хатоларни ўчиргувчи, тахрир этгувчи бўл...



ЖУРНАЛИСТ ИСЛОМ АЛИ НИЁЗ КИМ? ЁКИ ФИДОЙИ ИНСОН ҲАҚИДА СЎЗ...



лади. Кунлардан бир куни Мав-жуда муаллима ўқувчиларга мактаб кутубхонасидаги «Ўз-бек халқ эртақлари» китобини ўқитиш тавсия қилади. Ўшанда эртақлар олами бўлғуси жур-налистнинг қалбини бутунлай

ўрганади. Диплом ишини рус ёзувчиси «В. Шукшиннинг ҳикоя-ларида ўзбек тили таржимаси таснифи» мавзuida ҳимоя қи-лади. Устози, шоир Тилак Жўрага диплом ишига ижодий ёндашуви жуда ёқди ва “аъло” баҳо би-лан бўлғуси мутахассисни муко-фотлайди.

Билимдон, сермулоҳаза, ўз нуктаи назарига эга битирувчи-ни профессор Ғайбулла Сало-мов раҳбарлик қилаётган «Тар-жима назарияси» кафедрасида ишлашга таклиф қилишади... Аммо у она қишлоғига – кеска-йиб қолган падари бузруквори ва волидаи муҳтарамаси бағри-га қайтишни афзал билади...

Ислом Ниёзалиев 1985 йи-ли «Меҳнат байроғи» Сайрам туман газетасига таржимон си-фатида ишга жойлашади. Ёш мутахассис бош муҳаррир, тах-рир илмининг саркори Юсуфжон Сайдалиев ва бошқа ҳамкасб-ларидан журналистика сирла-рини ўрганади, тахрирталаб мақолаларга, сатрларга ишлов беришни тез орада ўзлаштира-ди. Ҳамкасблари Ислом Абду-набиев, Муроджон Абубакиров, Шухрат Ҳошимов, Абдусаттор Умаров ва Равшан Мирзаевлар билан бирга туман газетасининг ўқитиш, қизиқарили чиқишига бу-тун куч-ғайратини, салоҳиятини сафарбар этади.

2012 йилга қадар шу муқад-дас дарғоҳда таржимон, масъул котиб, муҳаррир муовини вази-фаларини муваффақиятли уда-далайди. Журналист сифатида ҳақиқатнинг юзига тик боқиб, кўплаб публицистик мақола-лари, жамиятдаги нуқсонларга танқидий нуктаи назарлари га-зета саҳифаларида чоп этилиб, эл назарига тушади.

«Жанубий Қозоғистон» ви-лоят ижтимоий-сиёсий газе-тасига ишга келгач, яна-да сер-маҳсул ижод қила бошлайди. Чунки география анча кенгайиб, минтақамиздаги турли туман ва қишлоқларнинг ўзига хослик

жиҳатларини ўрганади, воқеа-ҳодисаларга оқилона баҳо бе-ради.

Ислом Ниёзалиев турмуш ўртоғи Ҳанифа Абдулла қизи би-лан уч қизни оқ ювиб, оқ тараб, камолга етказишди. Улар – Фо-тима, Зухра ва Иродапар юрт тараққиётига ўз имкониятлари доирасида ҳисса қўшиб, ота - оналарини қувонтиришмоқда.

... Ислом Али Ниёз вилоят журналистикасининг бахти бар-камоллигини таъминлаш учун келган, дедик. Олий маълумот-ли филолог, тажрибали жур-налист “Жанубий Қозоғистон” газетасида иш бошлаганда ёш-лиқдан хос хусусияти шу эдики, уйлаган фикрларини дарҳол қозоғза туширар, уни маълум вақт ташлаб қўяр ва шу ахборот атрофида шаклланган тафак-курларни тизимга солиб, таҳлил қилиб ундан сўнг газета саҳи-фасида чиқарар эди. Ўз устида тинмай ишлаши, китобхонлиги уни мукамалликка етаклади, десак, хато бўлмайди. Баъзан журналист ижодхонасида ёш қаламкашлар учрашиб, вилоят зиёлилари, шоир, ёзувчи ва оқи-лу донолар билан адабий гурун-г ташкил этишиб, кимнинг янги мақоласи, шеърини чоп этиш муҳимлиги муҳокама қилинарди.

И. Ниёзалиев ана шундай гурунглр етакчиси бўлар, ҳар сафар унинг янги мақоласини ўқиб, роҳатланардик. Одамлар ҳақида кўплаб мақолалар ёзди, уларнинг кўпчилиги илмий ва хотиравий маҳсуллар сифатида даврдошлар ва газетхонлар қалбидан муносиб жой олди. Мен Ислом Ниёзалиевни кўнгли одами деб аташни хоҳлардим. У қаерга бормасин, албатта кадр-донлари бисёр эди.

Кексалик гаштини сураётган устоз журналист Ислом Али Ниёз умрлари узоқ ва сермаз-мун бўлаверишига тилақдош-миз.

Мурод АБУБАКИР,
журналист.



“КИШИНИНГ БУЮКЛИГИ БЎЙИНИНГ БАЛАНДЛИ-
ГИ БИЛАН ЎЛЧАНМАГАНДАЙ, ХАЛҚНИНГ БУЮКЛИГИ
ҲАМ УНИНГ СОНИ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ. БУНДА ЎЛ-
ЧАМ СИФАТИДА УНИНГ АҚЛИЙ КАМОЛОТИ ВА МАЪ-
НАВИЙ САВИЯСИ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ”.



Бир кун келиб очил-
майди деган гулларинг
очилади!
Кетмайди деган
дардларинг арийдди!
Туғанмас деб ҳисоб-
лаган вақтларинг ту-
гайди!
Ҳаёт шундай бир
сирки, аввал шукр,
кейин сабр, сўнгра
ишончдир!..

Жалолиддин РУМИЙ.



ВАТАН ҲАҚИДА ИККИ ҲИКМАТ
Ёт юртларнинг боғи билан боғ-
часи –
Ўз юртимнинг янтоғича кўрин-
мас.

Ўзбек халқ мақоли.

Ватанинг тутуни ўзга юртин-
г оловидан ёруғроқ.

ЛУКИАН,
қадимги Рим ёзувчиси.

БИР КУНИ ШОМИЛДАН
НОИБЛАРИ СЎРАШИБДИ...
– Имом жаноблари, тушунтириб бер-
сангиз, нега шоирларга шеър ёзишни ва
қўшиқ қилиб қуйлашни тақиқладингиз?
Шомил жавоб қайтарди:
– Мен ҳақиқий шоирлар шоир бўлиб қо-
лишини истадим, холос. Ахир, ҳақиқий шоирлар барибир
шеър ёзаверишади. Ёлғончилар, ўзини шоир деб ҳисоб-
ловчи иккиюзламачилар эса менинг тақиқловчи қарорим-
ни эшитишлари ҳамоно овозларини ўчиришади. Шу билан
ўзларини ҳам, халқни ҳам алдашмайди.

Расул ҲАМЗАТОВ.
“Менинг Доғистоним” китобидан.

ЁЗУВЧИ ОДИЛ ЁҚУБОВ
ҲИКМАТЛАРИ
● Порахўр мансабдорлар-
нинг мансаб бобидаги парвози
тез учар самолёт парвозидан
ҳам тезлашиб кетади...
● Ҳаёт шундай... Омадинг
келганда сени кўтар-кўтар
қилишади, омадинг кетди-ми,
сендан ҳамма юз ўгиради...
Шунга чидасанг, амалдор бўлиб ишла... Бўлмаса...
● “Еса” бўладиган асарлар кам... Кўплари палов олди-дан
шўрва бўлишга ҳам арзймайди.
● Ҳамма оналарнинг тупроғи бир жойдан олинган. Бир
хил қувонади, бир хил ймғлайди. Дарди ҳам, армони ҳам
бир. Фақат вақти бўлакча, бири олдин... бири кейин...
● Барча куч, барча матонат, барча ирода ва чексиз меҳр-
муҳаббат оналарнинг митти юрагида жой бўлган...
● Ажабо... баъзан ҳамма нарса, ҳатто анқонинг уруғи ҳам
топиладиган хонадонда, фақат бир нарса – самимий гапла-
шадиган бир дўст, киши бир нимадан тўлиб кетганда, ўтириб
гаплашадиган бир инсон топилмади.
● Муҳаббат, бу улуг инсоний туйғу, баъзан катта одамни
ҳам ёш болага айлантириб қўяди.

»» Табобат
ШАМОЛЛАГАНДА
САМАРАЛИ
ТАБИЙ ТАВСИЯ
Уни тайёрлаш жуда оддий, аммо таъсири ажойиб.
Биз стаканга 1 ош қошиқ малинали мурabbo, 1 ош қошиқ
асал, 1 ош қошиқ лимон шарбати, 1та аспирин таблеткаси-
ни солинг ва қайноқ сув қуйинг, аралаштириб, ичинг. Кўрпа
остида хотиржам телевизор томоша қилинг. Эрталаб соғ-
лом ва тетик уйғонасиз.

СУЯКЛАР
ЗИРҚИРАБ ОҒРИСА...
Исириқ ўсимлиги мадад
бўлади.
Бунинг учун: бир сиким
исирик 400 мл. сувда қайна-
тилади.
Юмшоқ матони ушбу қай-
натмага ҳўллаб, 10 кун мо-
байнида оғриётган жойга
суртиб турилса, фойдаси
бисёр бўлади.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22. Қазигурт – Ҳуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42. Сайрам – Зокиржон МҰМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулкибош – Мунира САҲДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71. Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентов, Сўзоқ – Рўзихон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.	Муассис – Туркистон вилоят ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги. «Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳақида далилларнинг таърифи учун муаллиф- лар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир. » Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган. «ERNUR-online» МББ Ўзбекистонда чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05 Электрон почта: janubiy@inbox.ru Нашр кўрсаткичи – 654466. Адади – 10300 нусха. Бўғим: 2443. Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.
--	---	---	--